


ОҚИЛ САЛИМОВ

АКІЛ ИННОВАЦИЯСИ



РЕСПУБЛИКА МАЊАВИЯТ ВА МАЊИФАТ МАРКАЗИ

ОҚИЛ САЛИМОВ

АҚЛ
ИННОВАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ
«МАЊАВИЯТ»
2022

УЎК 316.422:327.58(575.1)
КБК 60.56(5Ў)
С 26

32
C 26

С 26

Оқил Салимов

Ақл инновацияси [Матн] / О.Салимов. – Т.:
«Маънавият», 2022. – 104 б.

ISBN 978-9943-04-461-6

М а съ у л м у х а р р и р:


M. Хожиматов – филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Дунёдаги жадал тараққиёт, шиддатли глобаллашув даврини бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда юз берадиган жараёнлар, икти-
садий, маданий, маънавий тебранишлар асносида турли миллий
кадриятлар тўқнашувининг кескинлашиши, умуминсоний кадри-
ятларнинг қайта шаклланиши гоҳ-гоҳида инсон ақлини шошириб
қўймоқда. Бундай вазият ҳар бир тафаккурли кишини замоннинг
ўзига мос равишда тезкор фикрлашга, вокеликлар ривожи тен-
денцияларини таҳлил килишга ундейди.

Қўлингиздаги ушбу мўъжазгина китобда умуминсоний жара-
ёнлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, кейинги йиллар-
да мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар,
жаҳондаги глобал муаммоларнинг Ўзбекистон ҳудудида бартараф
этиш борасида олиб борилаётган изчил ижтимоий-сиёсий, икти-
садий ва маданий-маърифий сиёsat ҳакида мулоҳаза юритилади.

Китоб кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-04-461-6



© «Маънавият», 2022

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Дунёда ва мамлакатимизда аҳолининг турли табақа иакиллари биз қандай жамиятда яшаяпмиз, дунёвий давлатдами ёки диний жамият сари интиляпмизми, деган саволни тез-тез муҳокама қилиб туради.

Сўнгги йилларда таълим, тибиёт, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, айниқса, муқаддас ислом дини қадриятларига эътибор ошаётганлиги бу саволнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Шу боис ҳам мазкур мақолада янги Ўзбекистонда барпо этилаётган моҳиятан янги давлат ва жамият мазмуни хусусида фикр юритмоқчимиз.

Бош қадриятимиз меҳр, тинчлик ва яхшиликдир

Янги Ўзбекистонда инсон омилини муқаддас қадрият сифатида юксалтириш, одамларни билимли, баҳтли, эркин ва фаровон қилувчи маърифий жамиятни куриш механизми Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу механизм инсоннинг маънавий-маърифий комиллиги, яъни ўзиши ўзи узлуксиз ривожлантириб бориши, жамиятда ҳамжиҳатликда яшай олиши, бошқаларни ўзи билан тенг кўриши, куч маданиятини эмас, балки меҳр, тинчлик ва яхшилик маданиятини бош қадрият сифатида англаши негизида амал қиласди.

Мазкур жамиятни куриш ғояси 2016 йил Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев томонидан илк дафъа жамоатчилик эъти-

борига қўйилган эди. Мамлакатимиз раҳбари жамиятнинг негизи бўлган оила ва ота-она ибрати, уларнинг фарзандлар тарбиясидаги шахсий намунаси маънавий юксалишимизнинг асоси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

2017 йилнинг 19 сентябрида давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Таштилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида муҳим тарихий хужжат, яъни «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланувчи маҳсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чикди. Бу ҳукуқий асоснинг муҳим максади – барчанинг таълим олиш ҳукуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат экани таъкидланди. Гап факат бир давлатда маърифий жамият куриш ҳакида кетмаяпти, балки бутун дунёда юксак маънавий дунёкараш ва соғлом турмуш тарзини барпо этиш устида кетмоқда. Бу эса, бутун дунёда куч, зўравонлик ишлатиш орқали мақсадга эришиш сиёсатидан тамомила воз кечиш ва тинчликка интилиш орқали ҳаёт тарзини юритиш сиёсатига ўтишни талаб этади.

Мазкур муаммонинг нечоғли глобал эканини жаҳонда юз бераётган бугунги ҳалқаро сиёsat мантифи ҳам тасдиқлади. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, дунёда терроризм таҳдидлари, айникса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Шунингдек, БМТ сессиясида давлатимиз раҳбари «Маърифий ислом» тушунчасига ҳам дунё жамоатчилиги эътиборини қаратиб, муқаддас динимиздаги маърифий ислом таълимотини кенг ёйиш заруратини ҳам асослаб берди.

Президентимиз раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан та-

комиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташки-
дотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари
бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам
маърифатли жамият барпо этишнинг ҳаракатланувчи
кучи ривожланган инсон салоҳиятида экани таъкид-
лаб ўтилди. Яъни, маърифий давлат ва жамиятнинг
бош ўзаги бўлган маърифий комилликка эришишнинг
ҳам уч таркибий жиҳати мавжуд. Бу уч жиҳат билим,
мехнат ва ақл омиллари бўлиб, улар факат ўзаро фаол
уйғунликда бўлгандагина самарали намоён бўлади.

Дунёвий ва диний дунёқарашлар нисбати

Маърифий жамият ҳаётга бўлган муносабатда
дунёвий ва диний дунёқарашни мутлоклаштирмайди.
Аксинча, ҳар иккала дунёқарашдан ҳам инсон манфа-
тларига наф келтирувчи жиҳатларни ривожлантира-
ди. Ҳолбуки, оламни, одамни англаш ва бошқаришда
дунёни идрок этишдаги икки маданият тўқнашуви
инсоният тарихини яратиб келган. Уларнинг бири
оламни диний-илоҳий асосга қурилган ва ҳамма нарса
инсон идрокидан ташқарида юз беради, шу боис ҳам
оламни илоҳий билишга интилиш зарур, деб қараш-
дан иборат. Олам Аллоҳ томонидан яратилган, инсон
фоний дунёда омонат яшайди, дунёдаги барча жара-
ёнларда Яратганинг ҳукми бор. Инсонга эса, фоний
дунёда мувакқат яшаб, ўзидан насл қолдириши ҳамда
кейинги, яъни боқий оламда роҳат-фароғатда яшаши
учун савоб ва илм йиғиш имконияти берилган. Шу
боис, диний давлатчилик тарафдорлари дунё ишлари
факат диний қоидалар асосида бошқарилиши лозим,
деб ҳисоблайди.

Иккинчи маданият, яъни оламни моддий-дунёвий
тушуниш тарафдорларининг аксарияти эса, дунёда

олам ва одамни фақат материалистик нүктаи назар оркали англаш мумкин, деб қарашади. Ўзини дунёвий давлат тарафдори деб билувчиларнинг ўзига хослиги шундаки, улар нимани ҳиссий аъзоларимиз билан идрок этсак, яъни кўзимиз билан кўрсак, қулоғимиз билан эшитсак, кўлими билан ушлаб кўрсак, тарьими оғзимиз билан татиб кўрсак, ҳидини бурнимиз билан сезсанкина ўша нарсани билишимиз мумкин, деб ҳисоблади. Бундай ёндашув тарафдорлари, «Ҳаётда факат бир марта яшайсан, шу сабабли бу оламда кучинг етганича маза килиб, яшаб қол», деган коидага таянади.

Дунёни материалистик англаб ёндашиш назаритетчилари инсониятнинг тарихий-аклий интеллектуал ҳаётини ҳам бешта формация билан изоҳлашган, яъни булар: ибтидоий давр, қулдорлик даври, феодализм, капитализм ва социализм даврлари. Аммо бирмунча вакт аввал Австралия китъаси яқинида бундан 5 миллион йил аввал музлаб, кейин қуриб тош катламида қолиб кетган килька балиғи топилган. Олимлар томонидан «ДНК» ва «РНК» анализлари ўтказилгач, унинг ҳозирги килька балиғидан асло фарқ қилмаслиги аникланди. Бу кичкина факт катта шов-шувга сабаб бўлиб, эволюция назариясининг ўйлаб топилгани, аслида эса, унинг негизи мустаҳкам эмаслигини тасдиклади.

Дунё тарихи мана шу икки ёндашув ўртасида аёвсиз кураш занжиридан иборат. Бу кураш занжирининг биргина ўтган XX асрдаги қонли бўғини номига дунёвий, аслида эса, атеистик давлатни барпо этиш мақсадини қўйган коммунистик режим томонидан 200 мингга яқин жадиднинг қатағон қилиб кириб ташланиши, ўн минглаб масжиду мадрасанинг бузиб ташланиши, қадимий қўлёзмаларнинг ёқиб юборили-

ши, асрий маданий обидаларимизнинг йўқ қилининши, миилат қиёфаси ва менталитетига жиддий зарба берипшида намоён бўлди.

Собиқ совет тузуми давридаги дунёвий давлат ниқоби остида моҳият эътиборига кўра, атеистик жамият барпо этувчилар ўзларининг амалий ҳаракатларини оклаш учун мустаҳкам назарий асослар ҳам яратиб олишди. Ушбу жиддий назарий асоснинг биология, анатомия, геология, кимё фанларидағи илдизи инглиз олими Чарльз Дарвин номи билан боғланади. Бу атеист олим дунёдаги жамики жонли ва жонсиз табиат, хусусан, инсон зоти ҳам табиий эволюцияни ўз бошидан кечирган, деган ғояни асослашга уринади. Ўз вақтида бу ғоя аксарият зиёлилар томонидан кулги ҳам бўлган. Аммо инсоният учун заарли бўлган коммунистик жамиятнинг катта назариётчилари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин учун эволюция назарияси жуда қўл келди. Улар инсон асли бир ҳужайрали бактерия бўлган, кейин сувда сузуви ҳайвон бўлган, эволюция таъсирида эса, бу ҳайвон маймунга айланган. Маймун эса, кўп минг йиллар давомида аввал тошни ўйиб меҳнат қуроллари ясад, тинимсиз меҳнат қилиши, кейин ўтрок яшаш тарзига ўтиши натижасида инсон қиёфасига кириб ақлли бўлиб қолган, деган мантикий мағзи пуч ғоя билан одамларни ишонтиришга уринишган. Ишонтириш қийин кечганидан сўнг, коммунистлар ўзларининг бу аҳмоқона ғояларига кимлар ишонмаганини аниклашга ҳаракат қилишган. Ишонмаганлар эса саводли, маданиятли ва чуқур фикрловчи одамлар бўлиб чиққан. Шу боис ҳам шўролар 70 йил мобайнода бундай одамларни киришган.

Дунёдаги материалистик ёндашув тарафдорлари сўнгги 50 йилда бирмунча либераллашди. Улар дунёвий давлат динни инкор этмайди, деган нуқтаи назарни илгари суро бошлади. Дунёвий давлат тарафдорла-

ри дин ва диний эътиқодга сабр ва бағрикенглик билан ёндашади. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа ривожланган дунёвий давлатлар сиёсатини мисол қилиб олиш мумкин.

Дунёвий давлатнинг катъий қоидаси, бу – дин давлат ҳокимиятидан ажратилган ва ўз фаолиятини диний меъёрлар асосида эмас, балки реал қонунлар асосида тартибга солинувчи тузилмаларга эга давлатчилик куриш бўлиб, давлат органларининг қарорлари фақатгина диний асосга эга бўлиши мумкин эмас, деган нуқтаи назарни ифода этади.

Дунёвий давлат қонунчилиги диний меъёрларга қисман мос келиши ҳам мумкин. Масалан, абортни тақиқлаш, агар бу диний шартлар билан эмас, балки умумий инсонпарварлик мулоҳазалари (аникрофи, тиббий ва биологик мақсадга мувофиқлиги билан) асосланса, дунёвий ёндашув умумий жамият қарорига айланиши мумкин.

Дунёвийлик принципи давлатни диний дормалардан ажратишни назарда тутади, лекин динни ижтимоий ҳаётдан бутунлай олиб ташлашга интилмайди. Аммо у ижтимоий ва сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида воқеликка реал ёндашувчи давлат ролини сақлаб қолади. Дунёвий давлатларда фуқароларни маънавий ва сиёсий тарбиялашда дин имкониятларига устуворлик берилмайди. Диний (теократик) давлатларнинг ўзига хослиги эса, қўйидаларда намоён бўлади:

1) давлат ҳокимияти давлатни ташкил этиш ва бошқариш мақомига эга бўлган муайян диний ташкилотга бўйсунади ва унга тегишли бўлган кадриятларга амал қиласди;

2) диний эътиқодни тартибга солувчи хуқукий нормалар давлат қонунчилиги ва жамият қоидаларининг асосий манбани ташкил этади;

3) давлат раҳбари бир вақтнинг ўзида энг нуфузли диний арбоб, олий руҳонийлардан сайланади ёки топшили олий диний ташкилот томонидан тайинланади (масалан, Ватикан давлатида). Умумхалқ сайлов тартиботи мавжуд бўлган давлатларда сайланган давлат раҳбари муайян олий диний муассаса томонидан доимий назорат қилинади. Масалан, Эрон конституциясига биноан Эрон Ислом Республикасида сайланган диний раҳбар Президентдан юқори бўлган Фақих наъорати остида бўлади;

4) муайян диний эътиқод давлат сиёсатида устувор бўлган давлатларда бошка диний эътиқодга мансуб аҳоли вакилларига тоқат қилиш амалиёти мавжуд бўлади ва ҳатто баъзида давлат идораларида диний озчиликнинг вакили сифатида иштирок этиши мумкин.

Давлат бошқарувида тўлиқ теократик сиёсат юргизувчи мамлакатлар сифатида (диний давлатлар) – Эрон, Марокаш, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Узбекистонда маърифий давлатни барпо этиш босқичлари

Мамлакатимизда маърифий давлатчилик асосларини барпо этиш уч босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқич, моҳиятан тамомила янги маърифий давлатнинг ҳукуқий асослари яратилганлиги, яъни инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган 500 дан ортиқ конун, 2 мингдан кўпроқ фармон ва қарорлар қабул қилиниши ва ҳаётга изчил жорий этилишинда намоён бўлди.

Иккинчи босқич, маърифий давлатнинг ташкилий таркибий тузилмаларини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, ўтган 5 йил мобайнида инсон манфаатларини тўғридан-тўғри хурмат қилувчи қатор вазирлик

ва идоралар ташкил этилди, мавжудлари эса, мазмұнан бойитилди. Бу даврда мамлакатимизда ilk дафъа Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш, Маҳалла ва оилани құллаб-қувватлаш, Мактабгача таълим, Уйжой коммунал хизмат құрсатыш вазирлеклер түзилди.

Ахолини ҳар томонлама құллаб-қувватловчи «Саховат ва күмак», мутахассисларни хорижга тайёрлаш ваташдошлар билан мулокот қилиш бүйіча «Эл-юрт умиди», Хотин-қыздар ва оилани құллаб-қувватлаш давлат мәқсадлы жамғармалари ташкил этилди.

Учинчи босқич, маърифатли давлатнинг ижтимоий таянчи бүлган маънавиятли жамиятни шакллантириш билан боғлик. Бу даврда ахоли турли табақалари, хусусан, ёшларни ҳаётга муносиб тайёрлашнинг миллий механизми – 5 мұхым ташаббус доирасидаги янги ижтимоий ҳаракат кенг ёйилди. Ахолини доимий даромад манбаига эга қилиш, ҳар бир оилани «кичик ватанли» қилиш, әхтиёжманда оиласарни ва ахоли турли табақалари вакиллари орасидан ижтимоий күмакка мұхтож фуқароларни манзилли аниқлаб, құллаб-қувватлашга қаратылған «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» юритила бошланды. Шуннингдек, мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида З бүғинли «Маҳаллабай» ишлаш тизими йўлга кўйилди. Бутун ҳалқимизни ва ҳар бир инсонни эътиборсиз қолдирмаслик ҳамда рози қилиш бүйіча умумжамият ҳаракати ишга тушди.

Катталар тажрибаси ва ёшлар шијоати уйғунлашмокда

Давлат ва жамият тузилмаларида илм-фан ва англантан билим омилига таяниш, катталар тажрибаси билан ёшлар шиддатини уйғунлаштириш фаолиятларнинг ўзагига айланды.

Мамлакатимизда халқ давлатга эмас, давлат идоралари халқка хизмат қилиши керак, деган сиёсатга тұла күч билан амал қилина бошланды. Халқ қабулхоналары, Президент, Бөш вазир ва ҳокимлар қабулхоналары оламларни тинглаш, қалбига қулоқ тутиш, муаммоларни жойида ҳал этиш ишлари барқарор тизим сифатида шилай бошлади. Шу пайтта қадар 3 миллионга яқин фукаронинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг 70 физи жойида ҳал этилди. Қолганлари эса, амалдаги қошунлар ва имкониятлар асосида фуқароларнинг фойдасы йўлидаги ечимларни топиш жараёнига қўйилди.

Инсон манфаатларига хизмат қилиш олий инсоний қадриятга айланди. Ҳеч кимнинг давлат ва жамият томонидан безътибор қолдирилмаслиги, инсон саломатлиги ва таълим-тарбиясини яхшилаш мақсадлари устувор сиёсатга айланди. Давлатлараро, жамиятлараро ва инсонлараро муносабатларда ўзаро хайрихоҳлик муҳити шакллантирилди. Дўстлик, елқадошлиқ, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ҳаракатлантурувчи куч сифатида кафолатли тинчликка эришиш умумий ҳақиқатга айланди.

Мамлакатимизнинг ички сиёсатида инсонга таъсир – тазийик ўтказиш, жисмоний ва маънавий зўравонникларнинг барча кўринишларига барҳам берилди. Билиб-бilmай қилинган жиноят ва хатоликларга нисбатан афв институти ишлай бошлади. Маҳалла ва ёшлар ташкилотлари томонидан хатоликларга ilk дафъа йўл кўйган ёшлар, аёллар ва бошка тоифадаги шахсларни сифолатга олиб, қамоқдан озод қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Куч, таъсир ва тазийик ўтказиб натижага эришиш маданиятидан тинчликка ялпи интилиш, меҳрлиликни жорий этишдан иборат инсонпарварлик маданиятига ўтилди. Билимлар, касб-хунарларни англашга интилиш, ўрганилган нарсаларни ўргатишга интилиш ялпи

ижтимоий ҳаракатга трансформация бўлмоқда. Ватанга, ўз халки тарихи, улуғ аждодлар меросига муҳаббат, миллат маънавияти, санъати ва маданиятига садоқат бош кадрият даражасига кўтарилилмокда.

Ўзбекистонда истиқомат килувчи барча халқлар маънавияти ва миллий ўзлигига бағрикенглик, хурмат килишга асосланган муносабат баркарор шакллантирилди ва мустаҳкамланмокда. Барча даражадаги ижтимоий муносабатларда компромисс муҳитидан консенсус мухитига ўтишга интилиш устувор ҳаракатга айланиб, ҳар бир инсон ички салоҳиятининг тўла рўёбга чиқиши ва касбий ҳамда юксак ахлоқий фазилатга эришиши таъминланмокда.

Камбағалликдан чиқариш бўйича янги механизм жорий этилади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабря Олий Мажлисга килган Мурожаатномасида камбағалликдан чиқариш бўйича тамомила янги маърифий механизмни таклиф этди. Унга кўра, «Темир дафтар»га киритилган ҳар бир фукарони камбағалликдан чиқариш бўйича «мотивация, кўнирма ва молиявий кўмак» тамойили асосида янги механизм» жорий этилиши белгиланди. Бу маърифий механизм инсонни нафақат доимий даромад манбаи эгаси қиласи, балки унинг ўз қизиқиши доирасида фаолият юритиб, доимий касбий тақомиллашуви, фаолиятига креатив, яъни ижодий ёндашиб, ўз машғулотидан завқ олиб ишлаши ҳамда ҳаётидан рози бўлишига имкон яратади.

Давлатимиз раҳбари маърифий тақомиллашув йўлида инсоннинг ўзига ўзи мотивация ва рағбат бера олиши ва ўзини ривожлантириш учун катта мақсадларга шай қила олиши масаласига алоҳида ургу бериб, шундай деди: «Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг

мухим омил, бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянишган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак».

Айни мақсадда шу йилнинг ўзида мингдан зиёд турли касб-хунарга ўргатувчи марказлар ҳамда туманнорда ҳалқаро касбий талаблар ва стандартларга тўла мос келувчи кичик ихтисосликларга ўргатувчи «Ишга марҳамат» мономарказлари ишга туширилиши режа-наштирилди. Маърифий ривожланиш учун ҳар бир инсоннинг ўз касбидаги юксак малака ва маҳоратга эришиши ҳам талаб этилади. Давлатимиз раҳбари айнан шу талабнинг ижроси ҳаёт ва фаолиятда ўта зарурлигини таъкидлаш учун Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Куёшлиқ истасанг, касби камол эт», деган ҳикматини келтиргани ҳам бежиз эмас.

Ҳалқаро муаммолар ечимидағи мухим ёндашув

Мамлакатимизда янги давлат барпо этишга киришишнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз ималга ошираётган маърифий сиёсатнинг зўравонликни куч ишлатиш сиёсатига тамомила зидлиги, тинчлик, меҳр маданиятига барқарор таяниши дунё ҳамкамиятига аён бўлди. Узок йиллар мобайнида яқин кунни мамлакатлар билан ўзаро муносабатда давлатларнинг бир-биридан бегоналашуви, меҳрсизлик, иллат излаш сиёсати тубдан ўзгарди. Шавкат Мирзиёевнинг давлатлараро муносабатлар барқарорлиги ва қафолатли тинчлигини таъминлашда ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни бош омилга айлантиришдан иборат маърифий сиёсати кутилганидан ҳам кўпроқ ижтимоий, иёсий ва иқтисодий наф келтира бошлади. Чегараларнинг очилиши, ўзаро бож сиёсатини юргизишда бериллаётган имтиёзлар, иқтисодий ривожланиш йўлини ишончли ҳамкорлик мамлакатлар фаровонли-

гини таъминлашда ва аҳолининг розилигини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари, озиқ-овқат, мева-сабзавот экспорти улушида якин хорижий мамлакатлар билан товар айирбошлиш сальдосининг кескин ошишига эришилди. Биргина Тожикистон, Афғонистон ва Қирғизистонга қилинувчи экспорт ҳажми сўнгги 4 йилда 5 баравардан ошгани ҳам айнан маърифий ёндашувнинг маҳсулидир. Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75-сессиясида ҳам халқаро муносабатларни тамомила янги изга кўчириш, тинчлик ва маърифатга интилишни умумжаҳон ҳаракатига айлантириш кераклигига эътибор қаратиб, «Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур», деб таъкидлади.

Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам дунёни янгича 9 йўналишда маърифий идрок этиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган концептуал вазифалар янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қамровли ишларимиз бардавом бўлишини таъминлаши ҳақида айтиб ўтилган.

Янги Ўзбекистонда жадал суръатларда барпо этилаётган маърифий давлат ва маърифий жамият мамлакатимизни юксак интеллектуал, маънавий ва индустриский жиҳатдан мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқиши ҳамда бутун халқимиз ва ҳар бир фуқарони бахтли, саодатли қилиши, шубҳасиздир.

АҚЛ ИННОВАЦИЯСИ

Француз файласуфи Рене Декарт «Фикрлаяпман, ісмак мавжудман», деган эди. Дарҳакиқат, бу ёруғ оламда факат инсонгина фикрлаш, ақл йўриғи билан яшаш, тафаккур қилиш имконига эга. Бу – Аллоҳнинг одам авлодларига берган буюк неъмати. У ўз ҳаётини ақл доирасида қуради, умрини тафаккур билан ўтказали, шу туфайли баҳтли-саодатли яшайди. Инсон умрининг мазмунни бевосита фикрлаш, тафаккур қилиш, ақлни ишлатиш билан белгиланади.

Беназир аллома Абу Наср Форобий «Инсон моҳити ақлда, ақл моҳияти хатти-ҳаракатда», деган эди. Албатта, ақлнинг ўлчами, ҳажми, оғирлиги, ранги ё таъми йўқ. Уни инсонларнинг ўзаро муносабатида, юриш-туришида, хатти-ҳаракатида, қандай мақсадлар билан яшаётганида кўриб, билишимиз мумкин. Ана шу ўзаро муносабатлар жараёнида у одам ақлли, бу одам бошқача, деган фикрга борамиз. Ақлнинг даражаси хиссиётлар, туйғулар курсовида мақсадлар билан боғланиб кетади. Ақлли одамларнинг мақсади буюк бўлади. Негаки, улар катта-катта ишларни амалга оширишга қодир бекиёс куч-ғайрат, интилишга эга-да.

«Уйғониш мўъжизаси»

Ақл фалсафаси ҳақида бежиз гапирмаяпмиз. Орту-умидли халқмиз. Қонимизда жўшқин туйғулар, олисаноб хиссиётлар, эзгу мақсадларга эришиш қудрати кўпиради. Бу – қутлуғ ҳодиса. Шундай экан, инсонлар ҳамияти орзули оламга айланади. Орзулар эса ҳаёт-

ни безайди. Орзуга интилиш инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради. Натижада, элу юрт назарига тушган, жамоатчилик томонидан эътироф этилган, катта хурмат ва эътиборга эришган инсон шаклланади. Ана шунда «Уйғониш мұъжизаси» содир бўлади.

Робиндранатҳ Тҳакур «Уйғониш мұъжизаси» ҳақида шундай ёзади:

Уйғондим. Деразам зулмати үчди.

Уйғондим. Мұъжиза. Мұъжизадир шул.

Бугун Ўзбекистон ана шундай катта эврилишлар оғушида. Халқимизнинг тарих синовларида тобланган ақлий ва руҳий қудрати ҳаёттій амалларга кўчмокда. Бу ҳақда гапиришдан аввал яна бир мулоҳазани айтмоқчимиз. Аёнки, жамиятни акл, юксак интеллектуал салоҳият билан яшайдиганлар юксалтиради. Ундалар кўп бўлса ҳаёт фаровонлашади, давлат қудратига қудрат кўшилади. Ялпи тўкинлик, баҳтли-саодатли ҳаёт юзага келади.

Янги Ўзбекистон катта ақлга суянган, кенг интеллектуал салоҳиятга таянган, замонавий тафаккурга эга бўлган жамият сифатида мутлақо янги тарихий шароитларда замонавий давлат сифатида дунёга келмоқда, ривожланмоқда, тараккий этмоқда. Бунинг ўзига хос асослари бор.

Халқимиз азалдан меҳнатсевар, бунёдкор, катта яратувчилик қобилиятига эга бўлган, эзгу мақсадлар билан яшайдиган ва келажакка қаттый ишонч билан қарайдиган халқ. Бундай халқ ҳамиша хар нарсага қодир. У ўзининг буюк келажагини яратади олади ва кейинги авлодларининг фаровон турмушига, ҳаёт тарзига замин яратади.

Бирор кенг миқёсли ислоҳотлар жараёни қизғин паллага кирган бир вактда аkl танқислиги, заковат

стишмаслиги, тафаккурнинг чекланганлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, янгича тафаккур карор тонаётган, янгича яшашга интилиш кучайиб бораётган бир пайтда унга эҳтиёж тобора ошиб бораёттир.

Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида тъкидлаган эди: «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevorини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий тириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим».

Ана шу мақсадларга эришиш йўлидаги сайд-ҳаралатлар жамиятимизнинг янги қиёфасига асос солди, дейиш мумкин. Колаверса, ақл инновациясига эришишга ишонч уйғотадиган яна бир моҳият шундаки, Учинчи Ренессанс пойdevorини яратиш мақсадлари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосини ташкил этади.

Дарҳакиат, таълим-тарбиясиз фан-техникани ривожлантириб бўлмайди. Фан-техника тараққиётисиз эса жамият равнақини таъминлаш мумкин эмас. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, Президентимиз узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини бутунлай ислоҳ килишини, таълим сифати ва самарадорлигини оширишни тарғиб қиласпти. Бунинг учун барча моддий ва маънавий юқ оғирлигини давлатнинг ўзи зиммасига олган.

Давлатимизнинг таълим-тарбия ва илм-фан сиёсати бутун моҳияти билан ақл инновацияси, интеллектуал салоҳият инновацияси. Бу келажак бунёдкорлари учун сиёсий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий инновациянинг ўзгинаси.

Ёшлар тарбиясига бир зум бўлса-да, бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ

Шу йилнинг бешинчи апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда соҳадаги бир катор камчиликлар тилга олинди. Энг муҳими, умумтаълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг катор чора-тадбирлари кўрилди. Жумладан, бутунлай янги ўқув-услубий дастурлар яратиш, таълим беришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Кейинги уч-тўрт йил ичida мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида таълим бериши белгиланди. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизида педагогларни янги методикаларга ўргатувчи Миллий таълим марказлари ташкил этилади. Уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб қилинади. Ҳар бир вилоятда «Тренерлар гуруҳи» шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчилари малакасини ошириб боради. Тренерларнинг ойлик иш ҳақига юз фоизгача устама тўланади. Мазкур янги тизимни жорий қилиш учун юз миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилади. Абдулла Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти Республика Миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилади ва Тошкент давлат педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилади.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланади. Кейинги ўқув йили бошлангунига қадар 960 та мактабда компьютер синфлари ташкил этилиб, 740 таси янгидан жихозланиши ўз натижасини бериши шубҳасиз. Умуман олганда, беш мингдан ортиқ компьютер синфи янгиланади. Бунга

республика бюджетидан 200 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан ҳам шунча маблағ йўналтирилади. Бу айтиш мумкинки, жуда катта воқеа, таълимга давлат пытиборининг ёрқин кўриниши.

Мактаб таълими ҳакида гапирганда, бугунги ва кеңажак кунларимизга катта умид билан қарай бошлаймиз. Чунки Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қиласи», деган гапи ҳеч ёдимиздан чиқмайди. Шундай экан, ҳеч биримизнинг, айниқса, ота-оналар ва биз – педагогларнинг ёшлар тарбиясига бир зум бўлса-да, бефарқ қарашга сира ҳаққимиз йўқ.

Навбат олий таълимга келар экан, мамлакатимиз келажаги, барча соҳалар муваффақияти ҳар томонлама билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг стук мутахассиси ва, албатта, ғоявий чиниқсан, чин ватанпарвар, миллатини кадрлайдиган кадрларга боғликлигини ҳам таъкидлашдан чарчамаймиз.

Олий таълим айни ана шундай юксак вазифани бажариши лозим. Шу йилнинг 4 март куни олий ўкув юртлари талабаларининг бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йигилиши ўтказилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни кискартириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёни қизгин кечмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқиётган кам таъминланган талабалар билан алоҳида шуғулланиш, уларни жамиятнинг фаол фуқароларига айлантириш давлат ижтимоий сиёсатининг янги йўналиши сифатида юзага келди.

Айни пайтда мамлакатимизда 820 минг талаба олий ўкув юртларида билим олмоқда. Президентимиз топшириғига кўра, талабалар ижтимоий ахволи урганилиб, 100 мингга яқинининг ишлаш ва қўшимча

даромад топишга эҳтиёжи борлиги аниқланган. Улар орасида 7,5 минг чин етим ёки ногиронлиги бўлган талабалар бор. Яна 4,5 минг йигит-қиз эса турли ижтимоий ёрдамни назарда тутган «дафтар»ларга киритилган.

Олий таълимда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, талабаларнинг бўш вақтида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши чоралари кўрилмоқда. Бунда кам таъминланган талаба, биринчидан, ижтимоий муаммоларини бирмунча ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, ишлаш, касб маҳоратини эгаллаш оркали соҳани чукур ўргангандан мутахассис сифатида шаклланиб боради.

Талабаларни мутахассислиги қараб, ўз соҳаси бўйича ишга жойлаштириш амалиёти ўзини ҳар томонлама оқлади. Педагоглар таълим тизимида, тиббиёт мутахассислиги талабалари ўз соҳасида, шунингдек, мухандислар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, меъморлар, алоқа, транспорт, иқтисодиёт соҳасида ўкиётган талабалар ихтисосликлари бўйича ишласа, ҳам назарий, ҳам амалий кўнукмаси мустаҳкамланиб боради. Уларда аклий салоҳият, интеллектуал имконият такомиллашади. Энг муҳими, талабаларда ўзи танлаган касбга бўлган муҳаббати ортади. Катта иштиёқ билан ишлайди. Ана шу муҳаббат ва иштиёқ инсонни камолга етказади. Унинг кучли, иродали, ғайратли, ташаббускор шахс бўлиб шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳаси муаммоларига бағишланган кейинги видеоселектор йиғилишларини кузатар эканман, бир ҳолат диққатимни тортди. Президент жойлардаги раҳбарларга катта ишонч ва катъий талаб билан қарайди. Дарҳакикат, давлатнинг Тараккиёт стратегиясини амалга оширишни жойларда

тапкил этадиган, уни самарали натижаларга олиб келадиган инсон ташкилот ва муассаса раҳбарлариридир.

Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирав экан, Президент «Агар раҳбарлар, муаллимлар ўнги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини – зурриёдини ишониб бераяпти. Бу жуда катта масъулият. Шуни ҳис килиб, ўзимизни кийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз», деган эди. Куюнчаклик билан ўйтилган бу гапда ўзига хос мантик бор. Биз миллат келажаги олдида жавобгармиз. Келажакни эса фарзандларимизни, миллатимиз зурриёдини қандай тарбияласак, ўшандай келажакка асос яратамиз. Халқ ўз ўнг гарбандини, ҳаёти ва шажараси давомчисини ишониб мактабга беради. Мактабдаги мухит эса, унинг раҳбарига боғлиқ. Ҳар бир раҳбар ўз ташкилотида ўнга хос мухит яратади. Шу ўринда бизга ақлли, ташаббускор, масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ташкилотчи раҳбарлар керак бўлиши ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари олий таълим муаммолари ҳақида гапирав экан, «Олийгоҳ катта оила. Бу оила-нинг раҳбари – ректор. Ота-оналар энг катта бойлигини, фарзандини сизларга топширган. Шунинг учун ректорлар ҳар бир талаба билан шахсан учрашиши шарт. Бу борада ҳақиқий ҳолатни билиб, талабаларнинг оиласи аҳволи, шароити, қандай ўқиётгани, муаммолари ва таклифлари, хуллас, ҳаммаси ҳақида ҳар ойда ҳисобот беради ва бу масалага шахсан маъбул бўлади», деди. Демак, таълим сифати ва самараорлиги ҳар бир муассасада ишнинг қандай ташкил ўйлгани, масала моҳиятини қандай тушуниб етгани ва муаммоларни ҳал этишда олдимизга қўйилган ва-

зифаларни сўзсиз энг юқори кўрсаткичларда бажариш даражасига боғлиқ. Бу ғоятда мураккаб, изчиликни ва доимий ишлашни тақозо этадиган масъулиятли вазифани чуқур англайдиган кадрлар ҳакида кўп ўйлайман.

Яқинда «Янги Ўзбекистон» газетасида Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Илҳомжон Тўхтасиновнинг мақоласини ўқидим. Умуман олганда, таълим тизими менга бегона эмас. ОТМлар билан алоқаларим мустаҳкам. Хусусан, Самарқанддаги бир қатор ОТМлар фаолиятини яхши биламан. Ушбу мақолани ўқиб, ҳозиржавоблик, берилган вазифани ўз вақтида юқори сифат билан бажара олиш, ички имкониятлардан кенг фойдаланиш, қийин шароитларда ташкилий ишларни белгиланган мақсад сари йўналтира билиш, аввало, ҳар бир ташкилот раҳбарига боғлиқ эканини яна бир бор англадик. Иш жараёнида Тўхтасиновнинг ўзи билан гаплашдим. Унинг қиёфасида фикрлари аник, жонкуяр, ғайратли ва шиҷоатли раҳбарни кўрдим. Халқимизда «Ишлашни хоҳлаган одам имконият қидиради, хоҳламаган одам баҳона қидиради», деган гап бор. Ҳақиқий раҳбар масъулиятдан чўчимайди, имконият қидиради.

Олий ўқув юртларида талабалар бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги бандлик маркази факультетлараро сўровнома ўтказиб, 843 талаба ижтимоий танглик туфайли ишга муҳтоҷ эканини аниқлабди. Бир ой ичida 200 нафар ижтимоий химояга муҳтоҷ талаба институтдаги бўш ўринларга, турли ўқув ва тил ўқитиш марказларига, умумтаълим муассасаларига ишга жойлаштирилган. Қолган 643 ишга муҳтоҷ талабани иш билан таъминлаш режалари тузилибди. Улар-

ди тил ўргатиш марказлари ва институтнинг Нарнай ҳамда Пайарик туманларидағи филиаллариға ишта көйлаштириш мүлжалланмокда экан. Тил билиш даражаси камида В2 ва С1 бўлган талабаларни педагогик фаолиятга жалб этиш йўли билан 150 талаба иш билан таъминланиши айтилган.

Институтнинг ички имкониятларидан фойдаланиб, мавжуд бўш хоналарни талабаларга пуллик ўкув курслари, турли тўгараклар, ахборот технологиялари, спорт, тикувчилик ва бошқа турли хизмат кўрсатиш курсларини ташкил этиш учун бериш, бу билан яна 40 талабани иш билан таъминлаш режалари тузилибди.

Эътиборли тарафи шундаки, мазкур институт ҳонрги пайтда 100 га яқин хорижий нуфузли олийгоҳлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Талабаларни иш билан таъминлаш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, энг рињожланган давлатлардаги илғор технологияларни ўзлаштириш мақсадида Германиядаги бир қатор таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга кўйган.

Хусусан, талабаларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида Германиядаги «The Simson Private Academy» ва «Globalconsalt» бандлик фирмалари билан биргаликда немис тили бўйича камида В1 ҳалқаро тил билиш даражасига эга бўлган ёш битирувчиларни биринчи навбатда амалиётга жалб қилиб, сўнгра иш билан таъминлаш бўйича келишиб олинибди. Кунончлиси шундаки, германиялик ҳамкорларимиз З ой уқитиб, йўл ҳаки, ётот жой ва З маҳал овқат ҳамда 1000–1800 евро атрофида ойлик маош беришни тақлиф қилибди.

Жорий йилнинг 29 март куни Германиянинг «The Simson Private Academy» агентлиги раҳбарияти, Тюрингия вилояти малакали ишчиларни ёллаш агент-

лиги ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда битирувчиларни касбий қайта тайёрлаш марказини ташкил этишга келишилиди ва ҳамкорлик меморандуми имзоланибди.

Ҳамкорлик мақсадига кўра, немис тили бўйича ВІ даражага эга бўлган битирувчилар Германиянинг нуфузли фирмаларида турли соҳалар бўйича дастлаб олти ой давомида стажировка ўтайди. Дуал таълим сифатида битирувчилар бир вақтнинг ўзида касб ўрганади ва немис тилини мукаммал эгаллади. Бу эса битирувчиларнинг келажакда халқаро стандартлар бўйича касб эгаллашига имконият яратади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти мисолида юритган фикрларимиз денгиздан томчи, холос. Айтмоқчи бўлганимиз эса катта мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-харакатлар самарадорлигини ошириш.

Шундай экан, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, замонавий цивилизация таъблари даражасида кадрлар тайёрлаш буюк келажагимиз устуни эканини доимо ёдда тутмоғимиз шарт. Иқтисодий ва ижтимоий тараккиётни кучли, билимли, миллатпарвар ва ориятли кадрлар таъминлайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юксак аклий салоҳият, катта интеллектуал қобилиятигина янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Энг ривожланган давлатлар қаторига кўшилишига замин яратади. Демак, ақл инновацияси, тафаккур ва билим инновацияси барча ютукларимизнинг таянчи.

ИНСОН ФЕНОМЕНИ

у маънавиятга асосланади

Очиқ айтиш керак, бугун дунёда маънавий таназул, ахлоқий инқироз жараёни юз бермоқда. Бу инсоннинг табиий имкониятларини, руҳий кенгликларини маълум даражада чегаралаб кўймокда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш бу ҳолатни катта изтироб билан ифодалаб берди: «ХХI асрнинг энг катта фожиаси – бу инсониятнинг қадриятлардан узоклашишидир». Дарҳақиқат, инсон қадриятлар туфайлигина маънавий баркамолликка ғришади, руҳий тозариш имкониятига эга бўлади. Инсонни камолот сари етаклайдиган асос ҳам қадрият саналади.

Ана шундай глобал маънавий муаммолар ва умумбашарий ахлоқий масалалар хусусида гап боргандада «Инсон ўзи қандай жонзот? Унинг моҳияти нимада?» деган саволга жавоб излашга тўғри келади.

Буюк америкалик ёзувчи Жек Лондон «Инсон бебаҳо маҳлукларнинг энг охиргисидир» деган эди. Бир киравшда бу бироз қўполрок, инсонга нисбатан нафрат түйгуси бордай туюлади. Бироқ унинг кирдикорлари, кинжалари, худбинликлари, соткинликлари, мунофикникларини, майда бир манфаат учун ҳам энг яқин шамларидан воз кечишга тайёрлигини кўриб, юқориги фикрларга қўшилгинг келади.

Буюк немис файласуфи Освальд Шпенглер «Қаршила маданият йўқолса, ўша ерда зоология кучаяди»,

дейди. Демак, инсонни инсонга айлантирадиган, унинг кадрият асосларини белгилайдиган нарса – маданият. Маданият эса тарбияга сұнади, маънавиятдан озиқлаңади, маърифатдан күч-кувват олади. Дарҳақиқат, инсон жонзотлар орасыда айни ана шу маданий имкониятлари билан фарқланиб туради.

Инсоннинг феноменал жиҳатларидан бири у ҳамиша үзига үзи муаммо яратиб, үзини үзи инкор килиб, үзини үзи рад этиб яшайдиган олам эканлигіда. Борлықда бирон-бир жонзот инсончалик үзига үзи муаммо яратмайди. Улар қандай яшаётганини, нимага яшаётганини тушунмайди. Фақат инсонгина орзулар ва мақсадлар олами сифатида ҳаётга интилади. У буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиrolар қилиш салохиятига эга бўлиш билан бирга, шунчалик унинг тескариси ни ҳам амалга оширишга қодир бўлган ноёб жонзот. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ақл билан килади. Ақл эса руҳдан озиқ олади. Демак, руҳиятимиз тозарishi, қалбимиз гўззаллашиши, туйғуларимиз шаффоффлашиши лозим экан.

Инсон, унинг олами ҳақидаги тасаввурлар инсоннинг үзи каби қадими. Антик даврдаёқ, ибтидоий ҳаёт шароитида одам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлган. Ақл, ҳис-туйғу билан боғлиқ ва манфаатлар тўқнашуви, яшаш учун кураш ҳолатлари, эзгуликлар каторида худбинлик ва зўравонликлар каби иллатларни ҳам шакллантирган.

Куръони Каримда «Биз сизни мукаррам килиб яратдик» дейилади. Мукаррамлик нимада? Азизлик, мўътабарлик нимада? Бизнинг назаримизда, оламни яратган буюк Зот жонзотлар орасыда фақат инсонгагина ақл, ҳис-туйғу берган. Ана шу улкан имконият инсоннинг бутун қадриятини белгилайди. Бошқача килиб айтганда, инсонни қадриятга айлантирадиган

Гоят қудратли куч – акл! Инсонни маънавий ва руҳий жиҳатдан эзгуликларга даъват этадиган, ойдин орзу-лар, эзгу-мақсадлар билан яшашга чақирадиган куч ёса – ҳис-туйғудир!

Куръони Каримнинг яна бир жойида «Биз сизни хар хил қилиб яратдик» дейилади. Буюк яратгувчи нима учун айнан инсонни ҳар хил қилиб яратди? Чунки агар бир хил қилиб яратганида Ер юзидағи миллиардлаб одамлар бир хил кийинган, бир нарсани ўйладиган, бир томонга караб юрадиган ҳолатда бўларди. Унда ҳаётнинг мазмуни қолмас эди. Ранг-баранглиги, жозибаси бўлмас эди. Тараккиёт кузатиласди. Орзуларнинг хилма-хиллиги, мақсадларнинг турфалиги одамларнинг турли соҳалардаги интилишларига асос бўлади. Ҳаёт тараққиётига, инсониятнинг баҳтли-саодатли турмушига муҳим манба бўлиб хизмат килади.

Инсон табиати жиҳатдан ўта мураккаб, зиддиятли жонзот. Унинг қалб иклими континентал. Бу олам шиддиятлари, туйғулар ва ҳиссиётлар бўхронлари шу тиражада ўзгарувчанки, баъзан инсон ўз оламига сифмай қолади. Ёки ўз қарашлари ва хуносаларига қарши хатти-ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин бўлади. Ана шу драматик моҳиятдан келиб чиқиб Жалолиддин Румий «Олами Куброда неки бор, олами Суғрова бор», дейди. Олами Кубро – борлик, мавжудот, галактика. Олами Суғро – инсоннинг қалби, одамнинг бутун моҳияти, феъл-атвори. Унинг ички олами. Инсоннинг ахлоқий ва маънавий имкониятлари ана шу қалбнинг ҳолатига, тозалик даражасига боғлиқ. Унинг алломанинг фикрига кўра, ташки оламда неки бўлса, инсон қалбida шу мавжуд экан. Бўронлар, тўғонлар, қорли-қировли кунлар, баҳор эпкинлари, гўлиллуклар, табиатнинг бетакрор жозибаси маънавий

холатда, ҳис-туйғулар оқимида инсон қалбіда мавжуд. Мусибатли, изтироби күнлар билан бирга шоду хуррамлик, баҳтиёрлик, фаровонлик ҳолатлари қалб оламида мужассам. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳар бир одам алоҳида олам. Ҳар бир одам бетакрор дунё. Унинг қалбіда турли-туман фазилатлар билан бирга хилма-хил иллатлар ҳам яшайды. Демак, инсоннинг қалби ўзига хос ринг. Унда фазилатлару иллатлар доимий тұқнашиб, бир-бiriни маҳв этиб яшайды. Кимнинг қалбіда иллатлар ғолиб чиқса, у ёмон одамга, фазилатлар ғолиб чиқса, яхши одамга айланади. Лекин шу нарса аниқки, мутлоқ яхши одам ҳам, мутлоқ ёмон одам ҳам йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас! Ана шундай мураккаб шароитда биз мумкин қадар фазилатларни тарбиялашимиз, фарзандларимизни эзгуликка, муруватлиликка, бағрикенгликка, садоқатлиликка ўргатмоғимиз лозим. Ҳозирги замонавий цивилизация шароитида бунга катта эҳтиёж сезилмоқда. Худбинлик, кўролмаслик, ҳасад, иғво, гап ташиш одамлар орасида кучайиб бормоқда.

Инсоният майдалашиб боряпти. Икир-чикирлар орасида қолиб кетмоқда. Бу эса, тасаввурлар торайишига, тафаккур олами қисқаришига, ақл ўтmasлашишига, ҳис-туйғулар сўнишига олиб келмоқда. Инсоннинг одам шаклидаги бошқа жонзотга айланишига, ёвойилашишига сабаб бўлмоқда.

Миллий қадриятлардан узоклашиш инсоннинг майдалашишига, инсонлик моҳияти йўқолишига олиб келмоқда. Одамлар ивиrsиб яшаш, ўзининг тор қобигидан ташқарини ҳис қилмаслик иллатларига учрамоқда. Натижада, унинг ижтимоий моҳияти, буюк мақсадлар билан яшаш салоҳияти йўқолмоқда. Буни одамнинг инсоний фазилатларини белгиловчи бир катор омилларда кўриш мумкин. Жумладан:

Эътиқодсизлик, бу маълум бир карашларга, эзгуликларга олиб борадиган мақсад ва ғоялардан узоклашишыдир. Эътиқодсиз одамда нимагадир интилиб шаш ҳисси бўлмайди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, шунчаки яшаш инстинкти кучаяди.

Демак, эътиқодсиз одамдан катта нарсани кутиб бўлмайди. Буюк яратувчилик даврида бундай одамлар тараккиётга ҳамиша тўсик бўлади.

Ҳамиятсизлик, ориятсизлик оқибатида инсоний қадриятлар йўқолади. Ҳамиятсиз одам ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди, ориятсиз одам ўзининг қадру қимматини асрой билмайди. Афсуски, ҳамиятсизлик, ориятсизлик иллатлари кучайиб бормоқда.

Шарм, ҳаё деган Шарқ феноменидаги улуғ қадрият нуқолмокда. Одамларда бир-биридан уялиш, бир-бирининг олдида хижолат бўлиш ҳисси барҳам топяпти. Бона ота кўзига тик қараб гапирадиган, киз онасининг пандларини эскилик сарқити деб қарайдиган ҳолатлар юз бермоқда. Метрода бот-бот «Ёш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг» деб такрорниб турса-да, ёшлар катталарга ўрин бўшатмаслиги олий ҳолга айланиб қолди. Аслида бу гапимизнинг уни ҳам майший ҳаётдаги бир нуқсон сифатида кичинча ҳолат. Биз ҳам худди майдалашиб бораётганга үхшаймиз. Бирок буни мажбур бўлганимиздан, бундай нобакорлик, ҳаёсизлик, андишасизлик турмушнига айланиб бораётганидан оғриниб гапираймиз, яънос.

Андишасизлик гапирётганда юзинг-кўзинг демай оғланни, иш жараёнида устозлар ўғитларига эътиборни булиш, ҳаётда эса каттанинг катталигини, кичикини кичиклигини ҳурмат қила олмаслик оқибатида шашга келади. Афсуски, андишасизлик юзсизликка, шарму ҳаёсизликка олиб келмоқда. Аждодларимиз

ҳамиша андишали киши деганда гапираётган гапини ё қилаётган ишини ўйлайдиган, юз-хотирчиликни биладиган, атрофидагилардан уяладиган инсонни тушунган. Андиша инсоннинг туб моҳиятини, хусусан, Шарқ ахлоқий ўлчовлари доирасида ўзининг қадру қимматини оширадиган фазилат эканини унутмоқдамиз.

Инсоғизлиқ инстинктлари кучайиб боряпти. Ҳар бир нарсага адолат билан қарашиб, виждон амри билан иш тутиш ҳисси йўқолмоқда. Худбинлик, майшатпрастлик, суистеъмоллик, инсоғ деган мўътабар ўлчовни хисобга олмаяпти, у чегара билмаяпти. Ваҳоланки, инсоғ миллий қадрият сифатида ахлоқнинг маълум бир меъёри, ўлчови хисобланади. Инсоғ ҳар бир виждонли одам учун жамоа олдидаги, жамият олдидаги ўз хулқ-атвори ва одоби учун маънавий жавобгарлик туйғуси хисобланади. Афсуски, бу борада жиддий ўпирилишлар бор.

Юкоридаги иллатлар аста-секинлик билан инсоний ҳамият, инсоний орият фазилатларини сўндиromoқда. Фурур туйғуси йўқолиб бормоқда. Ваҳоланки, фурурли одам ўзининг қадру қимматини яхши билади. Айтадиган сўзини билиб айтади, киладиган ишининг натижасини ўйлаб амалга оширади. Шу билан ўзини асрайди, номини улуғлайди.

Ҳар бир инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қиладиган ички маънавий кудрат сифатидаги фурур ҳисси тўпланиб жамоа, жамият мақомини эгалласа, у миллий фурурга айланади. Бугун бутун ҳалкимиз буюк келажакка катъий ишонч билан қараётган, янгидан-янги гоялар, улкан мақсадлар билан яшаётган бир пайтда бизни руҳлантирадиган, фаолиятимизга куч-кувват берадиган омил миллий фурур ҳиссидир. Бизнини аждодларимиз ориятли бўлган. Орият учун ҳамма

нарасдан воз кечган. Биз аждодлар шажарасини ~~даном~~
~~титирмоғимиз~~, миллий ғууримизни поймол ~~этмасли-~~
~~гимиз~~, аксинча, уни жаҳон меҳварида бутун мөнъияти
ва маҳобати, баркамоллиги ва нуқсонсиз намоён ~~эт-~~
~~моғимиз~~ лозим. Бунинг учун ҳар биримизда шахсий
гуур хисси бўлмоғи шарт.

Миллий ғуурнинг юқори чўққиси миллий ифтихордир. Бу миллатни бирлаштирадиган, эзгу мақсадлар ва буюк интилишлар атрофида жипслаштирадиган туйғу. Миллий ифтихор, бу – ўтмишимиз, бугунимиз ва истиқболимизни бирлаштириб турадиган, буюк аждодларимизнинг умуминсоний ва умумдунёвий хизматларидан фахрланиб, уларга муносиб келажакни бунёд этишга даъват этадиган қудратли куч. Миллий ифтихор хиссини ҳар биримиз ~~ўзимизда~~ чуқур англомоғимиз, қалбимизнинг туб-тубидан хис этмоғимиз, фарзандларимизни ҳам ана шундай руҳда ва ўлчовлар ~~лонрасида~~ тарбияламоғимиз зарур.

Миллий ғуур, миллий ифтихор инсонни юқ-
~~сақликка~~ кўтарадиган, унинг шаънини ардоклайдиган,
нужудидаги бунёдкорлик қобилиятини кучайтиради-
ган ҳодиса. Халқимиз буюк истеъдодлар, нодир иқти-
дорлар ва ҳайратомуз қобилияtlар ворисидир. Биз
ўтмишимиз билан фахрланишга ўрганиб қолганмиз.
Аждодларимизнинг буюк истеъодди ва ноёб қобилия-
ти билан шунчаки фахрланамиз, холос. Ваҳоланки, бу
ғиҳр-ифтихор замираида жуда катта масъулият, залвор-
ли мажбурият турганини баъзан унутамиз.

Истеъодли ёшларни рағбатлантиришимиз, улар-
нинг бунёдкорлик иқтидорини қўллаб-кувватламоғи-
миз лозим. Бу бизнинг келажак олдидағи муқаддас
пурчимиздир.

Умумхалқ салоҳияти ва унинг интеллектуал имко-
нияти халқ даҳолик қудратининг ривожланишига, юқ-

салишига олиб келади. Халқ даҳоси адолат ҳукмрон бўлган, давлат буюк мақсадларни кўзлаган ва истеъдодларни кўллаб-кувватлаган пайтларда ўзининг ноёб намунасини кўрсатган. Бугун янги Ўзбекистонда янгича тафаккур билан яшаш инстинкти феъл-атворга, характерга, турмуш тарзига айланамётган бир пайтда, халқнинг дахолик қудрати тобора ошаётганини кўряпмиз. Бироқ бу мўътабар жараён айни пайтда ҳар бири-мизнинг масъулиятимизни ошироқда.

Замонавий цивилизация инсоният тасаввурини ўзгартирмоқда. Айниқса, ёшларнинг мурғак онги етарли даражада ривожланишига, табиий ҳолда тараққий топишига монелик қилмоқда. Турмуш тарзида сунъийлик, бефарқлик, лоқайдлик чуқурлашиб бормоқда. Лоқайдлик ва бефарқлик эса ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси ҳисобланади. Донишмандлардан бири бу борада шундай деган экан: «Душманингдан қўрқма, зўр бўлса сени ўлдиради. Дўстингдан қўрқма, зарур бўлганда сотқинлик килиши мумкин. Лоқайдлардан қўрқ, бефарқлардан қўрқ. Лоқайдлик ва бефарқлик мавжуд экан, инсониятга ўлим таҳдид солаверади».

Надомат билан таъкидлашга мажбурмиз: лоқайдлик, бефарқлик, якка тартибда яшаш, ақлни ишлатман кўп нарсага эришиш, меҳнат қилмай даромад топиш иллатлари ҳаётимизда мавжуд. Ҳаёт ҳақиқати ва инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики, буюк мақсадлар билан яшайдиган халқгина буюк келажагини яратади. Бунинг учун жуда катта маърифат, улкан маънавий қудрат керак.

Кейинги беш йиллик ҳаётимиз, тасаввуримизни кескин ўзгартириб юборди. Ҳаётга муносабатларни миз, интилишларимиз улкан мақсадлар ва қатъий ишонч билан уйғунлашиб бормоқда. Бутунлай янги дунёкарашдаги, янги тасаввурдаги янги фукаролар

шаклланяпти. Бунинг натижасида эса цивилизацияланыпган истиқболга аниқ ишонч билан қарайдиган, бутунлай янги типдаги янги Ўзбекистон вужудга келди ша реал воқеликка айланди. Ана шу жараёнларда марказий масалалардан бири – ҳамма саъй-харакатларни инсонга, унинг реал манфаатларига, руҳий ва интеллектуал соғломлигига, маънавий тарбиясига қаратиш шизифаси. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ялпи янгилинишлар ва туб ўзгаришлар моҳиятини худди ана шу омилларда кашф этиб, ислоҳотларнинг барча жабхаларини айни инсон орқали амалга ошириш назариясини асослаб берди.

Юкорида айтганимиздек, ҳар қандай тараққиёт шик даҳолик қурдатининг натижаси. Давлат мамлакатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикади. Уни амалга ошириш бўйича карорлар, фармонлар ва конунлар қабул қилинади. Халқ эса бунёдкорлик кучи, юксак қобилияти ва интеллектуал салоҳияти орқали уни амалга оширади.

Ялпи сафарбарлик – тараққиёт омили! Фукароларнинг ғоявий ва маънавий юксаклиги буюк сакрашга олиб келадиган қурдатли куч. Ҳар қандай тараққиётнинг асоси – ахлок! Ҳар қандай таназзулнинг асоси – ахлоқизлик! Ўзбекистон халқи бир неча цивилизацияларни кўрган эл сифатида буни бутун дунёга исботлаб берди.

Биз янги Ўзбекистон шароитида буни тобора чукур этмоқдамиз. Тараққиёт моҳиятини англаш истиқлол тушунчаси мазмунини, инсоннинг инсонлик моҳиятини тушунишга олиб келмоқда. Унинг инсоний моҳияти тобора чуқурлашмоқда. Янгича тафаккур, тигиланаётган онг бевосита ислоҳотлар мазмунини ташори орқали улкан ижтимоий, цивилизациявий жарабига, янги Ренессанс ҳодисасининг илк жараёнларига боғланиб бормоқда.

Беш йил ичида янги Ўзбекистон шаклланди. Буни албатта, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарганида, ишлаб чикариш соҳаси бутунлай ислоҳ қилинганида, ижтимоий соҳани ривожлантиришда энг замонавий технологиялар жорий килинаётганида якъол кўрамиз. Бирок янги Ўзбекистоннинг моҳияти фақат шундангина иборат эмас. Унинг туб мазмуни, ижтимоий қадрияти, инсон тафаккурининг кескин ўзгарганида баҳоланади. Бугунги фуқаро беш йил олдинги фуқаро эмас. У ижтимоий-биологик мавжудот ёки битта паспорт эгаси сифатида ўша одам бўлиши мумкин. Лекин янгиланган тафаккур, замонавийлашган онг, покланаётган маънавий-рухий олам нуктаи назаридан бутунлай бошка одамга айланди. Аслида эса, серкирра ислоҳотларнинг бутун моҳияти ана шу ерда очилади.

Демак, янги Ўзбекистоннинг цивилизациялашган янги фукароси шаклланди!

Дарҳақиқат, одамлар, ижтимоий ҳодиса сифатида, ўзини англайпти, ўзини ўзи қадриятга айлантира бошлияпти. Ҳеч ким ҳеч кимдан кам эмаслигини, у тўлақонли баҳтли, саодатли яшашга ҳақли эканини тушунмоқда. Ўзининг сиёсий, иктисолий, хукуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини, талабларини ўргатга ташламоқда. Бу ялпи миллий уйғонишнинг ўзгинасидир. Яъни ялпи жамият тафаккур жиҳатдан ўзгарди. Онгли, маърифатли ҳаёт тарзи қарор топмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан умуммиллий уйғонишга, умуммиллий тараққиётга асос бўлмоқда. Одамларда ички рағбат, ўз соҳаси доирасида ижодий ёндашув, янгича муносабатлар қарор топмоқда. Маданий-маърифий жараён тобора чукурлашиб, ҳаёт мазмунини янада ўзгартируммоқда. Уни ижобий натижаларга эриштируммоқда. Демак, одамлар тасаввури орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгариб, такомиллашиб бормоқда.

Кишилик тарихи шундан далолат берадики, қачонки жамиятда ялпи ўзлигини англаш, якка тартибда ҳар бир инсон ўзининг инсоний моҳиятини тушуниб, қадриятга айлантиришга эҳтиёж сезган даврда, таракқиётнинг бутунлай янги, замонавий босқичи бошланган. Зотан, ҳар қандай таракқиёт онг ва тафаккур маҳсулни. Ҳар қандай тараққиёт юксак ахлоққа, замонавий билимга, кенг тафаккурга суюнади. Жаҳолат, залолат, қабоҳат сингари инсоний қадриятларнинг шавқатсиз душманлари барбод этилади. Натижада, ялпи ривожланишнинг янги даври бошланади. Бу эса, ўз-ўзидан янги Ренессанс даврининг дебочаси ёки остонаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт даражаси, жамиятнинг маънавий-маърифий имкониятлари асосида шаклланган янгича тафаккурдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, халқимиз тарихи ва иқболида янги сакраш даври бошланди. Бу – таъкидлаганимиздек, ўзига хос Ренессанс ҳодисасининг асоси ҳисобланади.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАГРИЕНГЛИК – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатларапо тотувлик ва бағриенгликни таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алокаларни кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифа этиб белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат киляётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари Конституция ҳамда қонунларимизда қайд этилган тенг хуқук ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармокларида, илм-фан, маданият, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келяпти. Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳалқаро майдондаги обў-эътибори ва имижини оширишга муносаб ҳисса кўшмоқда.

Конституциямизда Ўзбекистон ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва ань-аналарига хурмат билан муносабатда бўлиши, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланган.

Конституциямизда Ўзбекистон ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва ань-аналарига хурмат билан муносабатда бўлиши, уларни

ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита ўз фаолияти доирасида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил ҳамда самарали амалга ошириб, 150 та миллий маданий марказ билан ҳамкорлик килмоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш максадида 2019 йилнинг 15 ноябрида давлатимиз раҳбарининг «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиклаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу хужжат асосида Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдикланди. Ушбу соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш максадида парламент ва жамоат назорати механизми хам йўлга қўйилди. Шунингдек, қўмита ҳузурида миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш максадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ёшларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, шаън ва кадр-қиммат, фуқаролик масъулияти, шунингдек, турли тиллардаги китобхонлар ўртасида, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданияти ҳис-туйғусини мустахкамлашга қаратилган танловлар ўтказилиб келимоқда.

Яна бир гап. Ўзбекистонда барча миллатларнинг ўз она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш мақсадида таълим қардош тилларда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларидағи ҳолат ўрганиб чиқилди. Натижада тайёрланган таълим 7 та қардош тилда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларини бадиий адабиётлар билан таъминлаш ва китобхонликни тарғиб килиш тұғрисидаги таклифлар асосида ҳамижрочилар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари, консуллик мұассасалари ва ўзбек миллий маданий марказларини ҳамда таълим қардош тилларда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларини бадиий адабиётлар билан таъминлаш ва китобхонликни тарғиб қилиш тұғрисида»ғи фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу туфайли республикамизда фаолият юритаётган 38 та дүстлик жамияти «халқ дипломатияси» механизмидан фаол фойдаланған ҳолда, чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали мұносабатларни йўлга кўйган. Хорижий мамлакатлар билан дўстона мұносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни хар томонлама ривожлантиришга салмокли ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллатлараро мұносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан, ижтимоий тадқиқотлар,

шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторинги олиб бориляпти.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўtkазиш, илмий мақолалар, китоблар, илмий-тадқиқот материаллари, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлаш максадида соҳага оид қатор китоб ва илмий мақолалар нашр килингандиги ҳам таҳсинга сазовор.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва ракамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармонида Илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Шу муносабат билан 2020 йил 29 октябрда Президентимизнинг, «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони кабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур фармон иктисодиёт тармоклари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни муентазам ислоҳ килиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустакил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлиdir.

Қўмитанинг таклифи асосида юртимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида бакалав-

риатнинг антропология ва этнология таълим йўналиши ва тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга кўйилди. Ҳозирда 2020–2021 ўқув йилида 80 нафарга яқин талаба, магистр ва изланувчилар таянч докторантурада таҳсил олмоқда.

Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси, кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. 2020 йил май ойида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллый университетида «Амалий этнология» лабораторияси ҳамда жорий йилда эса университетнинг тарих факультетида «Антропология ва этнология» кафедраси ташкил этилди.

Бу харакатлар самараси ўлароқ, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар масалаларини таҳлил қилиш, этник низоларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтиришга эришиш вазифаларини бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун катор масалалар кўзда тутилган.

Кўмита миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, эксперталар ҳамда мутахассислар иштирокида соҳада илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра сұхбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиша ҳам жонбозлик кўрсатяпти.

Айни пайтда кўплаб хориждаги ватандошларимиз иқтисодиётимиз, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият,

спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани – Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Президентимиз томонидан имзоланган «Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун билан Ўзбекистонда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни этиб белгиланди. Мамлакатда миллатлараро тотувлик ва ягона катта оила мұхити туйғусини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш соҳасидаги обрўсини кенг тарғиб қилиш ва дунё ҳамжамияти олдидаги ижобий имижини ошириш мақсадида юртимизда ушбу санага бағишлиб «Дўстлик» ҳафталиги ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ташкил этиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июндаги «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантиришнинг мухим асосидир.

Бу борада ҳам кўмита ўзининг саъй-ҳаракатлари билан жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Мазкур қарорга кўра, ушбу кўкрак нишони билан юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўргасида миллатлараро дўстлик ва тотувлик мұхитининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида фидокорона меҳнат қилган, шунингдек, хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда самарали натижаларга эришган маҳаллий ва хорижий давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва

оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет элдаги ватандошлар тақдирланади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ҳудудларда маданият, санъат, таълим йўналишларини тақомиллаштиришга оид кўплаб хужжатлар кабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини кўллаб-кувватлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофик ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини кўллаб-кувватлаш, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ташаббуси билан истеъододли ёшларни кўллаб-кувватлаш «Улуғбек» жамғармаси ташкил этилган эди. Бугун бу жамғарма фаолиятидан барча мамнун.

Яқинда мазкур жамғарма томонидан чоп этилган «Дўстлик хамсаси» китоби – Марказий Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек, козок, туркман, кирғиз ва тожик ҳалқларининг буюк мутафаккирлари – Алишер Навоий, Абай Кўнонбоев, Чингиз Айтматов, Абдураҳмон Жомий, Махтумкулининг таржимаи ҳоли ва ижод йўли ҳакида маълумотлар, ҳалқ мақоллари, ҳикматли сўзлар биринчи марта икки тилда – аслиятда ва ўзбек тилида нашр этилди.

Ушбу мажмуанинг «Дўстлик хамсаси» деб номла нишида чукур маъно бор. У Марказий Осиё ҳалқларининг умумий илдизга эга хамсачилик анъаналарининг давомийлиги намунаси. Ҳозирги даврда ҳалқлар, миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири. Зоро, давлатимиз раҳбари таъкид-

лаганидек, «Марказий Осиёда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Мехмондўстлик, эзгулик, қалб саҳовати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади».

Ишончимиз комилки, мана шундай ғояларни ўзида мужассамлаштирган ушбу китоб Марказий Осиё халқларининг азалий ва абадий дўстлиги, маънавий-руҳий яқинлиги ва муштараклигининг рамзи сифатида минақада аҳиллик ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Мамлакатдаги ёшларни аник фанлар, рақамли технологиялар ҳамда робототехника соҳасидаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирлар ташкил этиш инновацион ва илмий фаолиятни шакллантириш чоралари кўрилмоқда.

Давлатни инновацион асосда ривожлантириш, бу соҳага масъул бўлган идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳам энг зарур йўналишлардан ҳисобланади. Айниска, туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар, маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамлиги ҳам халқларни янада яқинлаштиришини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда мамлакатда турли миллатга мансуб фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-маърифий ҳаётдаги фаол иштироқини таъминлаш, уларнинг миллий ўзлигини англаши ҳамда этник қадриятларини сақлаб қолишилари учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, энг аввало, бой тарихий-маънавий мерос, миллий қадрият, урф-

одат ва анъаналар асосида миллий ўзлигини англанган, миллий ғуур-ифтихори юксалган, умуминсоний қадриятлар, замонавий технологиялар, илм-фан ютуклари асосида дунёкараши шаклланган баркамол авлодни тарбиялашни кўзда тутади.

Жамиятда миллатлараро тотувликни кучайтириш бағрикенглик мухитини мустаҳкамлаш гарови эканлигини яна бир карра исботлайди. Ўзбекистонда кейинги йилларда миллатлараро муносабатлар масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Қолаверса, бугунги кунда хорижий экспертлар Ўзбекистонда кучли давлат тизими шаклланганини мамнуният билан таъкидламоқда.

ДАВЛАТ ИСТИНОДИ

*маърифий уйғониши саодати билан
қудратли кучга айланади*

Юон олим Аристотель «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси хал қилади», деганида ҳақ эди.

Бу фикрни тарих саҳифалари доим исботлаб келган. Бизнинг заминдан қўр олган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳосиласи ҳам тарбия ва таълим уйғунлигига стилгани тобора равшанлашиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз боргандা, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг узоқ йиллар «мудроқ таълим исканжаси»да яшаб келган устоз ва мураббийлар, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратса бошлагани, уйғок фикрни тарбиялаш йўлидаги жонкуярлиги кўз олдимизга келади. Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор «Инсон капитали» тушунчаси пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмади – бугун биз давлатимиз истинодида Учинчи Ренессанс ҳодисасига асос солиш йўлидамиз.

«Янги Ўзбекистон мўъжизаси»

Куни кеча давлатимиз раҳбари халқ таълими соҳидаги ислоҳотлар натижадорлиги таҳлилига бағишлинган навбатдаги йиғилишини ўтказди. Бугун мен, узоқ йиллик ҳаётий тажриба ва илм-фан йўлидаги заҳматли йўллар гувоҳи сифатида, шу йиғилишни, унда Президентимиз билдирган фикрлар, ташабbusлар ва тизифаларни тарихий эврилиш, дея баҳоладим.

Нега дейсизми? Рамзий маънодаги мўъжиза ўз-
ўзидан содир бўлмайди. У содир этилади. Шу маъно-
да, Ўзбекистонда «тафаккур дастурлари» иш бошлагани
ҳар биримизнинг, айниқса, келажак авлодларимиз-
нинг толеи баланд бўлишидан гувоҳлик беради.

Энди «Янги Ўзбекистон мўъжизаси» ҳақида айтадиган бўлсак, аввало, Президентимизнинг мана бу
гапи қайта-қайта тилимизга кўчади: «Янги Ўзбекис-
тон – барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинч-
ликсевар халқимизнинг орзуси!».

Таҳликали замонда яшаяпмиз. Дунё кўздаги ёш
каби қалкиб турибди. Яқин-йироқ мамлакатларда она-
лар фарзанди очликдан ўлмасин учун азиз жонини
сотмоқда, оталар болаларига бир бурда емак топиш
илинжида ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урмокда, улар-
нинг кўксидা зардоб кайнайти. Лекин одам авлодла-
рининг яхши ҳаёт йўлидаги орзуси сўнгани йўқ, сўн-
масин ҳам!

Янги Ўзбекистон ва биз эса тараккиёт йўлида со-
битмиз. Бугунги кунда бизнинг ўз танлаган йўлимиз
бор ва у, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда,
ортга қайтмас тус олган. Бу йўлда Янги Ўзбекистон-
нинг тараккиёт стратегияси ҳаётбахш хусусият касб
этмоқда.

Бежизга бу мулоҳазаларга бормадик. Тараккиётга
эришиш ва яхши яшашга йўл очиш ҳам буюк санъат.
Шундай экан, биз эришаётган барча натижалар зами-
рида билим, илм-фан, капитални тўғри йўналтириш
санъати бўй кўрсатмоқда.

Бахт белгиси – билим, деймиз. Кеча Президентими:
«Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга му-
носиб ҳаракат килса, фарзандларимизни давр талаби-
га мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта
бойлигини – зурриёдини ишониб беряпти. Бу жуда кат-

та масъулият. Шуни ҳис килиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз», деди.

Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдикми? Айтишга осон, «зурриёдини ишониб беряпти», «муносиб ҳаракат қилсак», «ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак», деган жумлалар ортида яширин буюк дард ва қалб тўрида яшнаётган орзулар мужассам. Ана шу кудратли истак жамиятимизга сапчиб, «Янги Ўзбекистон орзуси» номини олади. Бу ҳаммамизга муборак бўлсин!

Мирзо Улуғбек ворислари

Халқимиз орасида «Гўзаллик илму маърифатда» деган ҳикмат юради. Янги Ўзбекистондаги катта ислоҳотлар бош асоси ҳам шу мақсад учун қурилгани кейинги йилларда тобора ойдинлашиб бормоқда.

Бу нималарда ўз аксини топади? Аввало, ёшлар сиёсатида. Жумладан, мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, хуқуқ ва манфаатларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Юртимизда таълим, илм-фанинг барча соҳаларига эътибор ва замонавий ислоҳотлар, ёшларнинг билими, иқтидорини ривожлантириш мақсадида мутлақо янги шакл ва мазмунда барпо этилган Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими, барча вилоятларда яратилаётган Ёшлар технопарклари ва бизнес-акселераторлари, ёшлар учун ташкил этилаётган турли танловларни бунинг исботи, дея оламиз.

Якинда эълон қилинган ва юртимизнинг барча худудларини қамраб олган «Мирзо Улуғбек ворислари» танлови ҳам ана шу ислоҳотлар доирасида ташкил қилинмоқда.

Ушбу танлов мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида имзалига оширилаётган ишларни янада жадаллашти-

риш, уларни илмий-техник фаолиятга кенг жалб ки-
лиш, иқтидорли ёшларнинг, жумладан, олис ҳудуд-
ларда истиқомат килаётган йигит-қизларнинг билим,
кўникума ва малакасини ошириш, инновацион ғояла-
рини амалиётга татбиқ этиш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини
топишига кўмаклашишга қаратилган. Мазкур эзгу
ниятни амалга оширишда ҳозирда Истеъодди ёшлар-
ни қўллаб-кувватлаш «Улуғбек» жамғармаси, Иннова-
цион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентли-
ги, Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги, Қорақал-
поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
ҳокимларни ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Замон шиддат билан ривожланмоқда – давлатимиз
томонидан инсон капиталини ривожлантиришга қа-
ратилган саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизнинг
барча ҳудудларида билимга чанқоқ, қобилиятли ёшлар
сони ортиб боряпти. Ёшларнинг ҳали очилмаган иқти-
дорларини намоён этиш, билимини ошириш, олган
билимларини ҳаётга татбиқ этиш ва янгилик яра-
тиш салоҳиятини «уйғотиш» билан жамиятимизнинг
бунёдкорлик салоҳиятини янги сифат даражасига кў-
тириш давлат сиёсатининг, шу жумладан, эълон қи-
линган танловнинг ҳам асосий мақсадидир.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон ёшларининг за-
монавий билимларни ўрганиши учун шиҷоати ҳам,
матонати ҳам етарли. Ўз ўрнида ҳар бир ёш ўзи туғи-
либ-үсган мухит маданиятидан, урф-одатларидан ва
ўзига хос хусусиятларидан тўла хабардор. Бошқача
айтганда, ёшларни очилмаган бир қўриқ ёки энди-
гина гул очган бир боғ десак ҳам бўлади. Танловдан
мақсад – ана шу навниҳол ёшларимиздаги иқтидорни
аниклаб, унга тўғри йўналиш бериш, яратувчанликка
ва бунёдкорликларга рағбатлантириш, бошқа ёшларга
ўрнак ва ибрат килиб қўрсатишдан иборат.

«Мирзо Улуғбек ворислари» танлови 2022 йилдан бошлаб ҳар йили февраль-май ойларида республика бўйлаб З боскичда ўтказилади ҳамда унда 16 ёндан 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси ёшлири иштирок этиши мумкин.

Бугунги кунга қадар танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлиар сони 24 мингга яқинлашди. Лекин бу, менинг назаримда, жуда кам. Ушбу танлов жиддий ва улуғвор вазифаларни мақсад қилиб олиш билан бирга, мамлакатнинг энг чекка ҳудудларидағи олис қишлоқлар ёшларигача, ихтисослаштирилган турли-туман ўкув муассасаларидан то, айтайлик, харбий мактабларда таҳсил олаётган ёшларгача камраб олинниши кўзда тутилган.

Ушбу танлов илм йўналишида бўлгани учун ҳам, унинг ўзига хос жиҳатлари бор. Мисол учун, танловда иштирок этишни хоҳлаган ёшлиар алоҳида IQ тест, яъни интеллектуал сифат тести топширади. Бу билан талабгорнинг ақлий ва мантиқий фикр юритиш дарражаси аниқлаб олинади ва танловда ҳақиқатан ҳам юксак салоҳиятга эга ёшлиар иштирок этиши таъминланади. IQ тестида 110 баллдан ошиқ натижага кўрсанганлар танловнинг биринчи босқичида иштирок этиш кукуқига эга бўлади.

«Мирзо Улуғбек ворислари» танловининг 1-босқичи февраль-март ойларида туман (шаҳар)ларда ўтказилди ва унда энг юқори натижага эришган 5 нафардан номзод танлаб олиниб, 2-босқичга йўлланма олди.

Жорий йилнинг 1 февраль куни танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилди ҳамда унда иштирок этиш истагини билдирган ёшлиар рўйхатдан ўтиши учун www.vorislari.uz платформаси ҳамда [@vorislari_tanlovi_bot](https://t.me/vorislari_tanlovi_bot) телеграм боти ишга туширилди. Иштирокчилар

мазкур платформалар орқали жорий йилнинг 28 февралига қадар рўйхатдан ўтди.

Мазкур платформалар орқали талабгорлар танлов тўғрисида қўшимча маълумотларни олиши, ўз инновацион лойиҳаларини Инновацион ривожланиш вазирлигига юбориши ҳамда танловда иштирок этиш учун IQ тести топшириши мумкин.

Иштирокчилар ўз интеллектуал салоҳиятини синаб кўриш учун жорий йилнинг 1 мартадан 4 мартаға қадар IQ тестдан ўтди.

Шунга кўра, танловнинг туман ва шаҳарлар бўйича биринчи босқичи 4 мартадан бошланди.

Рақамларга юзланадиган бўлсак, шу йилда илк маротаба ўтказилаётган ушбу танловга ёшларимизнинг қизиқиши даражасини кўриш мумкин:

Танлов ташкилотчилари мамлакатимизнинг барча туманларидағи ёшлар орасида танлов тўғрисида кенг тарғибот ишларини доимий олиб боради. Барча туман ва шаҳарларда танлов иштирокчиларини баҳолаш комиссиялари тузилиб, танловни ўтказиш дастури ва графиклари ишлаб чиқилган.

Танловга қизиқиши билдирган ёшларга қулайлик яратиш мақсадида ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиб, ташкилотчилар томонидан тарғибот учрашувларида ёшларга тарқатилди.

Танловнинг шаффоғ ҳамда адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг IQ тест ҳамда инновацион лойиҳаларини топшириш жараёнлари www.vorislar.uz маҳсус платформаси орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Танловнинг 2-босқичи апрель ойида Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хар биридан энг юқори

натижага эришган 20 нафар ёш навбатдаги босқичга йўлланма олади.

Танловнинг 3-босқичи май ойида бўлиб ўтади. Унда энг юқори натижага эришган 100 нафар ёш танловнинг республика босқичи голиби деб топилади ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлиш билан биргаликда, жамғарма томонидан ташкил этиладиган мақсадли ўкув курсларида бепул таҳсил олади. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган ёшлар мунтазам равишда қўллаб-куватланади ҳамда худудлар бўйича ишлаб чиқариш ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларига ихтиёрийлик асосида биринтирилади, «Ёшлар академияси» ва «Келажак лидерлари клуби»га жалб этилади.

* * *

Номидан ҳам кўриниб турганидек, «Мирзо Улугбек ворислари» танлови – янги ва замонавий билимларни пухта ўрганиш, бу йўлда матонат ва шиҷоат кўрсатишга ундейдиган кенг кўламли ижтимоий тадбир. Айни пайтда, бирор фан ёки соҳага қизиқкан, аммо қандай йўл тутишни билмай турган ёки имконият топа олмаган минглаб ёшлар учун катта имконият ҳамдир.

Бугунги янги Ўзбекистон юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатига, ундаги ёшлар эса, мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб боряпти, дея ишонч билан айтиш мумкин. Ўтган йили юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилевчан ўғил-қизларимиз иштирокида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ўткашланган фестиваллар барчанинг ёдида. Эндиликда эса, яна бир шундай кўламли илм-фан фестивалига старт берилмоқда.

Шу ўринда, юртимиз илм-фани соҳасида хизмат килган бир олим, давлат ва жамоат арбоби сифатида ёшларимизга айтадиган икки оғиз сўзим бор. Дунё илм-фан тараққиётига улкан хисса қўшган буюк олим Абу Райхон Берунийнинг ёшлиги қандай ўтганидан қўпчиликнинг хабари бўлса керак. Ўсмирилигига ота-онасидан эрта айрилган Абу Райхон мадрасада устози ва ҳомийси Мансур ибн Ирок кўмагида билим олади ҳамда ўзидаги салоҳият туфайли ўша давр илмларини қисқа фурсат ичидаги пухта эгаллаб, ер юзининг илк глобусларидан бирини ясашга муваффақ бўлади. Айни ўша дамларда, ҳали ўн олтига кириб-кирмаган яна бир йигитча – Абу Али ибн Сино ўзининг тиббиёт ва фалсафа соҳасидаги салоҳиятини намоён қиласида ва салтанат кутубхонасидан фойдаланиш хуқукига эга бўлади. Айни шу ўринда Биринчи Шарқ Ренессансининг бошланғич нукталарини, яъни заковат куртагининг униб, япроқ ёзганини кўриш мумкин. Бундай мисол келтиришимнинг сабаби: эндиликда жонажон Ватанингиз, она-юртингиз сизнинг заковатингизга кўз тикиб, ҳомийлик қанотини кенг ёймоқда.

Илк Ренессанс давридаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бугунги имкониятларни солиштириб бўлмайди, албатта. Шу билан бирга, «Дорул-хикма вал-маориф», яъни «Ҳикмат ва маърифат уйи»нинг аҳамияти катта бўлганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугун ана шундай ҳикмат ва билим уйи – Янги Ўзбекистонимиздир. Мамлакат раҳбари шу сабабдан ҳам «Бугун хеч бир соҳа йўқки, ёшлар муваффақиятга эришмаётган бўлса. Ёшларнинг йўлини очиб берсак, уларга елкадош бўлсак, янада улкан натижаларга эришамиз. Менинг энкватта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиги – бу ёшлар», деб таъкидлади.

Шу боисдан, ватанимизда Учинчи Ренессанс пой-деворини яратишдек улуғвор мақсад вазифа қилиб кўйилган экан, бугунимизнинг Хоразмийлари, Берунийлари ва Мирзо Улуғбекларини бу улкан жараёнда иштирок этишга чорлаб қоламан. Шундай дедик-у, куттимагандя яна бир хушхабарга кўзимиз тушди: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети QS by Subject Rankings’да математика соҳасида эришган натижаларига кўра, дунёнинг кучли 500 талик университетлар қаторидан 451–500 ўринни эгаллабди. Бу ҳам маърифий уйғониш саодатининг навбатдаги ифодасидир.

Дарвоке, маърифий уйғониш саодати ҳакида. Имом Бухорий бобомиз келтирган ҳадисда айтилганидек, «Барча амаллар ниятга қараб бўлади». Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида яхши ниятлар билан катта мэрраларни белгилаб олганмиз. Унинг бошида ёса маърифий уйғониш саодатига эришиш мақсади турибди. Бу инсон капиталини ривожлантириш орқали содир бўладиган ҳодиса. Шу боис, эътибор берсак, инсон капиталини ривожлантириш келгуси беш йиллик стратегиямизнинг асосий мақсадига айланган.

Энг муҳими, бу йўлда биз танлаган йўл яхлит маънавий асос ва бош мезонга айланиб улгурди. Мулоҳаталаримизни Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида келтирган қуйидаги гапи билан муҳтасар қилсак: Энг катта бойлик – бу ақл-законват ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!

ЯНГИЛАНАЁТГАН МАЬНАВИЯТ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Бугун мамлакатимизда жамият тараққиётининг маънавий тамойилларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни белгилайдиган омилларни мустаҳкамлаш, бу йўналишда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги барча имкониятлардан фойдаланиш масалалари ҳам давлатимиз фаолиятининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга астойдил ҳаракат қилинаётган бугунги глобаллашув даврида жамиятимизнинг маънавий тараққиётини таъминлаш жараёнини чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, бу янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий ҳаётига хос жараёнларнинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари, мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш имконини яратади. Айни пайтда ушбу масалаларнинг давлатимиз маънавият соҳасидаги сиёсати учун ниҳоятда долзарб аҳамиятни кўрсатиш, шунингдек, қайд этилган жабҳадаги услугубий муаммоларни аниқлаш ва тадқиқ этиш асосида баъзи хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Бизнинг давримизга келиб, жамиятимиз маънавий ҳаёти ва давлат сиёсати инсон камолоти ва юритараққиётига фаол таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар тизимининг марказий бўғинларидан бирига айланди.

Бунинг сабаблари кўп, албатта.

Биринчидан, бугунги маънавият, маънавий ҳаётдаги янгиланишлар жаҳон ва Шарқ алломалари меросига, асрлар оша ўтиб келаётган мерос, ота-боболаримиз қолдирган қадриятларга таяниши шубҳасиз. Ватанимизда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Асосий ўлчов – инсоннинг инсонлигини улуглаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган. Азалдан бу заминда нодонлик ва хурофот қораланганд, маърифат ва тафаккурга кенг йўл очиб берилган.

Иккинчидан, юртимизда рўй берган Ренессанс даврларида дунёвий илмлар, инсонни қадрлаш маданияти назарияси ва фалсафаси уйғун ҳолда тараққий топди, турмуш тарзига айланниб қолди. Шу асосда шаклланган бой маънавият ва маърифат тури даврларда кескин ижобий бурилишларга сабаб бўлган, улкан тараққиётга пойдевор яратган.

Учинчидан, халқимизга хос маънавийликнинг бугунги кун учун муҳим бўлган моҳияти шундан иборатки, унда инсон омили, шахс манфаатлари муаммоси ҳамма даврларда ҳам жамиятдаadolatli таксимот та-мойилини тақозо этиб келган. Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги қадриятидан фарқли ўлароқ, Шарқ халқлари учун бош қадрият маънавий омиллар, айниқса, инсон шаъни, обру-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган.

Тўртинчидан, маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик равнақ топади. Маънавияти одам яшашдан мақсад нималигини аник билади, умрини мазмунли ўtkазиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага ишсоғ ваadolat нуқтаи назаридан ёндашади. Виждон

нима, ёлғон ва рост нима, ор-номус нима, ҳалол ва ҳаром нима – буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади, ҳётда ёмонликка бошловчи хатти-харакатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни ба-жаради.

Бешинчидан, маънавиятда инсон ҳётининг мазмуни акс этади. Ватани севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори хисобланади. Маънавиятли жамиятда акл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда ҳалқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади. Инсонга номуносиб бўлган турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланишиз маънавиятни тасаввур килиш қийин.

Олтинчидан, илгари ҳам, ҳозир ҳам ҳалқимизда отага эҳтиром, онани эъзозлаш, aka ва укага ҳурмат, қавму қариндошларнинг тотувлиги, қўни-қўшнилар аҳиллиги ўзига хос қадрият сифатида қадраниши бе-жиз эмас. Бу жихат шарқона турмуш тарзининг маромини белгилаб турувчи мувозанат меъёри, жараёнларнинг бир оқимида кечиши кафолати ҳамда энг асосий тамал тошларидан биридир. Қадриятлар қаторидаги тартибларнинг бузилиши жамиятнинг, давлатнинг кучсизланишига сабаб бўлгани тарихдан маълум.

Айни шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги жамият асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш ва бундай тарбиявий тизим марказида ҳалқимизнинг азалий ўлмас қадриятларига садоқатни тарбиялашга интилиш устувор бўлмоғи лозим.

Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бугунги кунда миллий ва маънавий, ижтимоий ва диний қадрияtlарни уйғунлаштириш, демократик тамойилларни амалда жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жиҳатдан фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаолигини ва шахс эркинлигини ошириш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик мөъёрлар асосида кўп партияийлик тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш каби вазифаларни бажариш асносида умуминсоний ва миллий қадрияtlарни барқарор этишга ҳаракат қилинаётгани ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда мазкур йўналишдаги ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш ва ушбу соҳанинг мақсадиу моҳиятини белгилайдиган тизимили тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Президенти Республика Маънавият кенгаши раиси экани белгилаб қўйилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика Маънавият кенгашининг ишчи органи сифатида қайта ташкил этилди, унинг фаолият мезонлари ва бу борадаги устувор вазифалари аник-тиниқ белгиланди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини яна-да ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва бу бўйича тизимли фаолият амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган конун хужжатлари, давлат

дастурлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, унинг янги ва замонавий тизимини шакллантириш, ушбу соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият кўрсатаётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва улар фаолиятининг самарасини оширишга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

«Тафаккур» ва «Маънавий ҳаёт» журналлари ҳамда «Маънавият» нашриёти Республика Маънавият ва маърифат маркази тасарруфига ўtkazилди.

Ушбу соҳага жами 121 миллиард сўм, хусусан, Республика Маънавият ва маърифат марказига 10 миллиард сўм, унинг жойлардаги бўлимларига 90 миллиард сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 20 миллиард сўм, «Маънавият» нашриётига 1 миллиард сўм микдорида маблағ ажратилди.

Учинчидан, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оиласвий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга татбик этилмоқда.

Бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат «Маърифат» тарғиботчилар жамияти шакллантирилиб, унинг фаолияти тизимли ва доимий асосда йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, Республика Маънавият ва маърифат маркази хузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди.

Институт қошида «Маънавият тарихи ва назарияси», «Маънавий тарбия», «Маънавий жараёнлар ва технологиялар» каби йўналишларда докторлик диссертациялари ҳимоясини ташкил этиш учун маҳсус ихтинослашган кенгаш шакллантирилаяпти.

Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш, бу соҳани ҳар томонлама ўрганиш ва қўлга киритилган натижалар асосида амалиёт учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чикиш жараёнини тизимли ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Бешинчидан, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб олий таълим тизими таълим йўналишлари ўкув режаларига бакалавриат босқичида «Маънавиятшунослик», магистратура босқичида «Касбий маънавият» фанлари киритилди, «PR менежер» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланишини йўлга қўйиши белгилаб берилди.

«Маънавият тарихи ва назарияси», «Маънавий тарбия», «Маънавий жараёнлар ва технологиялар» каби фанлар илм-фан ихтиносликлари классификаторига киритилди.

Олтинчидан, маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзуларда долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрлари, шунингдек, мағкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида «ouina.uz» электрон маънавий-маърифий портали ишга тушди.

«Madaniyat va ma’rifat» телеканали, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва

дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга каратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, күрсатувлар, публицистик чиқишилар ва эшилтиришлар ташкил этилди.

Мамлакатимиз ёшларини маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Еттингчидан, таълим ташкилотларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича мутахассис, ҳар бир умумтаълим муассасасида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди ва ойлик маоши давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи учун ўрнатилган базавий тариф ставкаси миқдорида белгиланди.

Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида, талабалар сонидан қатъи назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими жорий этилди.

Саккизинчидан, худудларда ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳаллаларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари ташкил этилмоқда.

Барча худудлар, давлат органлари ва фуқаролик институтлари раҳбарларининг ўз ҳудуди ва ташкилотида маънавият кенгashi раиси сифатидаги мақоми тасдиқланди, уларнинг чора-тадбирлар дастурлари ва «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

Тўққизинчидан, «Маънавият ҳам бир соҳа, жамият ҳаётининг таркибий қисми, узлуксиз бир жабхаси. Унда ҳам яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва жаҳолат фимаён юради», деган фикр бежиз айтилмаган.

Жамият маънавияти ҳамма вакт ҳам фақат эзгуликлардан иборат бўлавермайди. Яъни маънавиятни фақатгина яхшиликлар сандифи, ижобий хислатлар мажмуи сифатида тушуниш унчалик тўғри эмас.

Бу борада ҳам бир-бирига зид тушунчалар, мутлақо келишмайдиган томонлар, қарама-карши тамойиллар бор, бўлган ва бўлади. Маънавий ҳаёт диалектикаси, унинг энг асосий қонуниятларидан бири ана шундай.

Шу нуқтаи назардан, маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан янгилаш бўйича чора-тадбирлар дастурига «Маънавият» лугатини чоп этиш тўғрисидаги бандни киритганимиз ҳам бежиз эмас.

Негаки, айнан шундай асарлар орқали кўпчилик маънавиятдек серкирра ҳодисанинг мазмун-моҳияти, турли жихатлари ва хусусиятларини билиб олиши, бу ҳақда аник-тиник ва яхлит тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Ўнинчидан, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва белгиланган тартибда молиялаштириш тартиби жорий қилинди.

Маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топшириладиган «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони таъсис этилди.

Буларнинг барчаси аввалги йилларда бўлгани каби жамиятимиз маънавий тараққиётида муҳим аҳамият-

га эга барча долзарб масалалар ва ўз ечимини кутиб турган муаммоларни қамраб олган серкирра фаолият юритилаётганидан далолат беради.

Мазкур соҳадаги баркарор ривожланишни таъминлаш, халқимиз маънавиятини янги босқичга кўтариш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли вазифаларни назарда тутувчи дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мұхит ва шароитларни яратиш лозим.

Бунда, аввало, баркамол авлодни шакллантириш, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш маънавий тараққиётимиз ва миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши зарур.

Барча фуқароларимиз, айникса, ёшларда Ватанга садоқат, мафкуравий иммунитет, масъулиятлилик, бағрикенглик, инновацион фикрлаш каби мухим фазилатларни болалиқдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш вазифалари ҳам долзарблигича қолмоқда.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет оркали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунё-карашни шакллантириш масалалари ҳам доимий дикқат-эътиборимизда бўлиб келмоқда.

Узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш мақсадида маҳ-

сус концепция ва уни амалга ошириш чора-тадбирла-ри режаси қабул қилинди.

Жамиятимиз аъзоларида Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, мардлик, жасорат, фидойилик, ҳалоллик, ростгўйлик, ҳожатбарорлик, вижданлилик, вазминлик, йигитлик ғурури, ор-номус, меҳр-оқибатлилик каби фазилатлар, тадбиркорлик ва оилапарварлик малакаларини шакллантиришга қаратилган тренинглар дастурларини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чукур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «коммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш методологияси амалиётга татбиқ этилмоқда.

«Янги Ўзбекистон» ғоясини юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш маънавият соҳасида-ги ишларимизнинг бош мезони бўлиши лозимлигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу муносабат билан маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг худудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш ниҳоятда муҳим заруратга айланмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, маънавиятнинг, ушбу соҳадаги янгиланишларнинг муваффакиятлар омили бўлаётганидан, мазкур жабҳага янада кўпроқ эътибор караштиш зарурлигидан далолат беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИДДАТКОР БУГУНИ ВА ЁРҚИН ЭРТАСИ ТАВСИФИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг илк залворли натижалари ва ёрқин эртасининг ишонч руҳи билан сугорилган тавсифи баён этилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига қандай натижалар билан келаётганимиз, бу борадаги ютуклар ва сабоқлар, катта режалар, ҳайратомуз истикболимизнинг янги манзараси кўз ўнгимииздан ўтиб, калбимизни ғуур ва ифтихорга тўлдиради.

Шу ўринда савол туғилиши табий: мустақиллик байрамига қандай натижалар ва тарихий ўзгаришлар билан бормоқдамиз? Бунга жавоб бериш учун ўтган 25 йил ва кейинги 5 йилда амалга оширилган ишларни сархисоб қилиш тўғри бўлади.

Энг аввало, эришилган ютуклар қаторида халқимиз менталитети, турмуш тарзи, дунёкараши, мақсад ва режалари тубдан ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Бу ўзгаришлар икки муҳим омил кучига, яъни буюк кеҳлажакка ишонч ва мақсадли ҳаракатланишга таяниш хисобига юз бераётганига амин бўламиз.

Президентимиз мустақиллигимиз тантаналарига тубдан ўзгарган мамлакат, янги давлат, янги жамият, янги имиж, ўзгарган дунёкараш, залворли мақсадлар негизида эришилган зафарлар билан келаётганимизни алоҳида таъкидлади. Ана шу тарихий ютуклар заман

рида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мантиқий ҳосиласи сифатида барпо этилаётган янги Ўзбекистон, моҳияттан янги иқтисодий фаолият, янги конституцион тузум, инсонни асраш ва эъзозлашга қаратилган янги суд-хуқуқ тизими, самарали ташки сиёсат, тинчлик, барқарор юксалиш, инсон манфаатлари ва хуқуқлари, тиббиёт, таълим, фан, маданият, маънавият, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги оқилона ҳамда бунёдкорона ишлар тилга олинди.

Аниқ мақсадлилик – тараққиёт асоси

Президентимиз аввал бошданоқ аниқ мақсад билан катта ислоҳотларни бошлагани эришилган муваффақиятларимиз бош омили бўлди. Шу боис, халқимиз бугун ўз олдига мисли кўрилмаган катта мақсадларни қўйиб яшамоқда. Зеро, мақсад буюк ишларга ундовчи ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, у инсонларга ҳар қандай машаккатга шайлик қурдатини беради. Давлатгимиз раҳбари таъкидлаганидек, улкан мақсадни ўз олдига қўйган халқ, миллат оғир, машаккатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.

Президентимиз «янги» сўзига ҳам алоҳида эътибор каратди. Қадимги олтой тиллари оиласига мансуб туркӣ ҳалқларнинг маънавий меросида «ян» ва «ин» тушиунчалари муҳим ўрин тутади. «Ин» сусайиш, ортга қараб иш тутиш, ўзлигини намоён этишдан тийилиш, «ўз инида бўлиш»ни, «ян» эса янгиланиш, қайта бунёд бўлиш, ўзлигини намоён этиш, ўзиб кетиш маъноларини ифода этади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни янгилаш жараёни кўп минг йиллик тарихий силсилага эга бўлганини, улуғ аждодларимиз ҳаракати билан дунё тараққиётини тубдан ўзгартириб, янги изга соглан икки

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИДДАТКОР БУГУНИ ВА ЁРҚИН ЭРТАСИ ТАВСИФИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг илк залворли натижалари ва ёрқин эртасининг ишонч руҳи билан суғорилган тавсифи баён этилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига қандай натижалар билан келаётганимиз, бу борадаги ютуқлар ва сабоқлар, катта режалар, ҳайратомуз истикболимизнинг янги манзараси кўз ўнгимиздан ўтиб, қалбимизни ғуур ва ифтихорга тўлдиради.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: мустақиллик байрамига қандай натижалар ва тарихий ўзгаришлар билан бормоқдамиз? Бунга жавоб бериш учун ўтган 25 йил ва кейинги 5 йилда амалга оширилган ишларни сархисоб қилиш тўғри бўлади.

Энг аввало, эришилган ютуқлар қаторида халқимиз менталитети, турмуш тарзи, дунёкараши, мақсал ва режалари тубдан ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Бу ўзгаришлар икки мухим омил кучига, яъни буюк қеҳжакка ишонч ва мақсадли ҳаракатланишга таяниш ҳисобига юз бераётганига амин бўламиз.

Президентимиз мустақиллигимиз тантаналарига тубдан ўзгарган мамлакат, янги давлат, янги жамият, янги имиж, ўзгарган дунёкараш, залворли мақсадлар негизида эришилган зафарлар билан келаётганимизни алоҳида таъкидлади. Ана шу тарихий ютуқлар заман

рида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мантикий ҳосиласи сифатида барпо этилаётган янги Ўзбекистон, моҳияттан янги иқтисодий фаолият, янги конституцион тузум, инсонни асраш ва эъзозлашга қаратилган янги суд-хукуқ тизими, самарали ташки сиёсат, тинчлик, барқарор юксалиш, инсон манфаатлари ва хукуклари, тиббиёт, таълим, фан, маданият, маънавият, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги оқилона ҳамда бунёдкорона ишлар тилга олинди.

Аниқ мақсадлилик – тараққиёт асоси

Президентимиз аввал бошданок аниқ мақсад билан катта ислоҳотларни бошлагани эришилган муваффакиятларимиз бош омили бўлди. Шу боис, ҳалқимиз бугун ўз олдига мисли кўрилмаган катта мақсадларни кўйиб яшамоқда. Зеро, мақсад буюк ишларга ундовчи ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, у инсонларга ҳар кандай машакқатга шайлик кудратини беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, улкан мақсадни ўз олдига кўйган ҳалқ, миллат оғир, машакқатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.

Президентимиз «янги» сўзига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Қадимги олтой тиллари оиласига мансуб туркӣ ҳалкларнинг маънавий меросида «ян» ва «ин» тушунчалари мухим ўрин тутади. «Ин» сусайиш, ортга караб иш тутиш, ўзлигини намоён этишдан тийилиш, «ўз инида бўлиш»ни, «ян» эса янгиланиш, қайта бунёд бўлиш, ўзлигини намоён этиш, ўзиб кетиш маъноларини ифода этади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни янгилаш жараёни кўп минг йиллик тарихий силсилага эга бўлганини, улуғ аждодларимиз ҳаракати билан дунё тараққиётини тубдан ўзгартириб, янги изга солган икки

катта Ренессанс ҳам янгиланишга интилишнинг маҳсули бўлгани, XX асрда мустамлака тузумдан халос бўлиш учун замонавий тараккиётга эришиш ва дунёвий билимларни эгаллаш орқали озодликка чиқишига интилган жадидчилик ҳаракати ҳам моҳият-эътиборига кўра янгича яшаш ва фаолият юритиш мақсадидаги буюк интилиш бўлганини таъкидлагани бежиз эмас.

Интервьюда мақсад омилиниңг мазмуний иерархиясига ҳам ишора қилиниб, бугун мамлакатимизда илгари сурилаётган катта мақсадлар шунчаки хаёл, фантазия, хоҳиш ёки истак эмас, балки кучли ишонч билан йўғрилган аниқ мақсад экани таъкидланади. «Мақсаднинг аниклиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир», деб қайд этилади.

Янги Ўзбекистон ғояси дабдурустдан кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Унинг пойдевори бундан 5 йил илгари қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мазмунида ўз ифодасини топган бўлиб, ҳозирги ривожланиш ҳолати ўша пайтда аниқ белгиланган режаларнинг мантикий ҳосиласидир. Бундан ташкари, мамлакатимизнинг янги киёфасини яратиш ҳалқимизнинг характеристи, унинг инсонпарварлик табиати, хар ишда биринчи ва намуна бўлишга шайлик хислати, илм ва маърифатга ташналиқ фазилати билан асосланади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқукий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи такозо этаётган, ҳалқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир».

Айниқса, интервьюда Шавкат Мирзиёев тилга олган «инсон хуқуқ ва эркинликлари», «қонун усту-

ворлиги», «очиклик ва ошкоралик», «сўз эркинлиги», «дин ва эътиқод эркинлиги», «жамоатчилик назорати», «гендер тенглик», «хусусий мулк дахлсизлиги», «иктисодий фаолият эркинлиги» сингари бугун кенг таомилга кирган сўз ва иборалар кечагина одамлар ишонмайдиган, мажхул, чалажон тушунчалар эди. Энди улар тирилди ва ўзининг асл мазмунини ифодалай бошлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан фаол муомалага киритилган яна бир сўз, яъни «ҳаракат» тушунчаси ҳам араб тилидаги асл мазмунига кўра, «туриб колган нарса ёки жисмни қўзғатиб юбориш», «жойидан силжитишиш» «жадаллаштириш» маъноларини ифода этади. Янги Ўзбекистонда ҳаётимизнинг барча жабҳалари жадал ўзгаришга юз тутганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Президентимиз ҳаракатни барокат билан боғлаб, қуидагиларни алоҳида таъкидлади: «Ҳаракатда – баракат» деганлариdek, биз энг қийин босқичдан ўтдик, яъни йўлимиизни аниқ белгилаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислоҳотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва мантиқий якунинга етказишида. Бу, албатта, осон эмас, аммо биз бунга кодирмиз. Муҳими, кейинги йилларда бундай улкан ва мураккаб вазифани амалга ошириш учун етарли сиёсий-хукукий, ижтимоий-иктисодий, ташкилий-институционал замин яратилди».

Прагматик сиёsatнинг амалий рӯёби

Президентимиз ўз интервьюсида «прагматик сиёsat» атамасини тилга олиб, унга алоҳида тўхталди. Прагматик сиёsat давлат бошлиги, раҳбарлар ёки муайян шахснинг характеристери, майл-хоҳиши, ёқтирган нарсаларига мойиллигидан келиб чиқиши асосидаги ёндашув бўлмасдан, ҳамиша халқ учун манфаатли бўлган

ишларни амалга ошириш, ҳар кандай нарсаларга объектив муносабатда бўлишни англатади. Шунингдек, прагматик сиёsat бошланган ишларга изчиллик билан ёндашишни ҳам ифода этади. Мамлакатимизда сўнгги беш йилда бажарилган улкан бунёдкорлик ишларини давлатимиз раҳбари камтарлик билан изоҳлаб, амалга оширилиши кутилаётган ўзгаришларнинг бошланиши, деб атади: «Биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос. Лекин «Бу ўзгаришлар – вақтинчалик кампания, ўтади-кетади», деганлар янгилишади. Бу – Президент ва унинг командаси узокни кўзлаб юритаётган прагматик халқчилигидан сиёsatнинг энг устувор ўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда албатта охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда барпо этилган минглаб завод ва фабрикалар, гигант корхоналар, янги шаҳар ва қишлоклар, юзлаб таълим ва тиббиёт мусассасалари, замонавий йўллар ва, энг муҳими, ўзгарган дунёкараш ҳам моҳият эътиборига қўра, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг реал самараларидир. Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижага ҳам аслида шу – демократик ислоҳотларимиз ортга қайтмайдиган тус олди».

Прагматик сиёsatнинг яна бир жихати барча соҳалардаги, хусусан, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, суд-хукуқ тизими, таълим ва тиббиёт, ташки сиёsat билан боғлиқ катта муаммолар прагматик ечим йўлларига киргани бўлди. Прагматик ёндашув аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, тафаккур тарзи, маънавий ва сиёсий қарашларида туб бурилишга асос солди.

Кечагина халкимизда ҳаёт үзгаришлари, үз тақдирини яратишга бўлган иштиёқ, янгиликларга бефарқлик, ахборотларга лоқайд ва, бошқача айтганда, караҳт муносабат мавжуд эди. Президентимиз мазкур масала хусусида ҳам тўхталиб, «Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғок жамият – бу, ҳеч шубҳасиз, қурдатли қучдир», деб таъкидлади.

Тўғрилик ва ҳақиқат йўли

Тўғрилик йўли инсониятнинг онгли ҳаётидаги энг мураккаб ва оғрикли нуқта бўлиб келган. Бу масала муқаддас динимиз инсоният тақдирига кириб келган биринчи кунларданоқ энг долзарб масала сифатида қўйилган. Пайғамбаримизга икки муқаддас вазифа юкланган бўлиб, биринчиси ислом динини жорий этиш бўлса, иккинчиси сидкни, яъни жамиятнинг барча жабҳаларига тўғриликни, ҳалолликни сингдириш бўлган. Муқаддас ислом дини зўр муваффакият билан бутун дунёнинг катта қисмида эътиқод йўлига айланган бўлса-да, тўғрилик ва ҳалолликни одамлар онги ва шуурига сингдириш ҳамиша жиддий муаммо бўлиб келмоқда.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган биринчи кундан бошлаб тўғрилик ва ҳақиқат йўлини тутди. Давлат сиёсатини юритиш ва жамиятда ислоҳотларни амалга оширишда соҳтагарчилик, ёлғончилик, иккюзламачиликдан холи ижтимоий-маънавий муҳит яратилди. «Очиқ айтмоқчи-ман: менинг табиатим бундай соҳта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдириди, ана шу юксак ишончни оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман,

ислоҳотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас».

Президентимиз томонидан изчиллик билан жорий этилаётган тўғрилик йўли барча юртдошларимизнинг ягона миллий йўли сифатида қарор топаётгани ҳаммазини қувонтирумокда. Хусусан, ўтган беш йил кўпгина иктисодий ва ижтимоий соҳалардаги иллатларни ортда қолдирди. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, «Ҳозирги вактда электрон карточкадаги пулларни банкоматлар орқали нақд пулга айлантириш, миллий валюта курсининг «қора бозор»да – бир хил, банкларда эса бошқача бўлиши, хорижий валюталарни сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга кўйиш билан боғлик муаммолар тарихда қолди».

Ўзбекистон – жаҳон эътирофидаги давлатга айланмоқда

Мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсати жаҳон сиёсатчилари диққат марказида алоҳида муҳокама мавзусига айланди. Яқин қўшнилар билан иттифоқчилик оғир муаммо эди. Бугун Марказий Осиёдаги беш давлатнинг яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабати дунё учун андозага айланди. Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евросиё иктисодий ҳамкорлик иттифоқи хузурида кузатувчи мақомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон

хуқуклари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг 2021 йил 22 февралда Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Президентимиз нафақат қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида алоқалар узлуксиз ривожланмоқда. Бунинг яққол исботи шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғликлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида ўтказилган халқаро конференция ҳисобланади.

Хуллас, Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюсини мамлакатимизни жадал ривожлантириш, ёрқин ва фаровон, эркин ватанга айлантиришнинг яхлит концепцияси, дейиш мумкин.

МАЬНАВИЯТ – МИЛЛАТ ХАЛОСКОРИ

Барча миллат ўз тарихий тараққиёти, эволюцион ривожланиш босқичларига эга. Минг йилликлар мобайнида ҳар бир замон ўз дунёқараши, ҳаётга муносабатлари жиҳатидан инсон камолотининг ўзига хос даврини белгилайди.

Муайян маконда ўрнашган дастлабки одамлар турмуш шароитини яхшилаш, кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўз яшаш тарзига, анъаналарига эга бўлган. Табиий муҳит, ҳаётга муносабат йиллар давомида муайян аймокнинг ўзига хос қоидаларига, расм-русумларига айланган. Ана шу умумэътироф этилган қоидаларга ҳамма бирдек бўйсунган, риоя қилган. Шу ҳолатнинг ўзи миллий менталитетнинг, миллий ўзига хосликнинг, миллий колоритнинг дастлабки куртаклари эди.

Халқлар ривожланиш жараёнида инсон тафаккурининг янгидан-янги қирралари очилган. Унинг интеллектуал салоҳияти, онгу шуури ҳаётий эҳтиёжлар орқали ривожланиб борган. Ривожланиш жараёни умумий тарзда муайян маконда яшаб келган одамларнинг рухиятини, кайфиятини, орзу-умидларини, мақсад ва интилишларини шакллантирган. Ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар катори ана шундай узундан-узоқ, ғоят шукухли, айрим пайтларда ситамли таракқиёт йўлини босиб ўтган.

Бундан уч минг йиллар олдин қадимию Хоразмда зардустийлик дини ибтидоий ҳаёт шароитида, антик

даврда цивилизацияйи ҳодиса сифатида дунёга келди. Умуман олганда, дунёвий динларнинг барчасида цивилизацияйи моҳият бор. Динлар дунёга келган пайтда у тарқалган ҳудудда яшाइтган одамлар тафаккурида ўзига хос бурилиш, онгида янгиланиш ҳодисаси юз берган. Одамлар карашлари, ҳаётга муносабати ўзгарган.

Зардустийлик дини дастлабки аждодларимиз ҳаётiga маданият олиб кирди. Маърифий ҳаёт, онгли турмуш тарзига замин яратди. Гиёхларни босма, ҳашаротларга, қушларга озор берма, сувга тупурма, оловга густоҳлик қилма қабилидаги оддий майший тарбиявий меъёрлардан тортиб, инсон ва табиат, одам ва олам билан муносабатларгача бўлган глобал ахлоқий меъёрларни турмуш тарзига жорий этиш ғоясини илгари сурди. Кўрган нарсасига эътиқод кўйиб, унга сифинган, кўпхудолик шароитида бир-бирини маҳв этиш билан шуғулланиб юрган турли қабилалар, уруғлар, аймокларни бирлаштириб, яккахудолик ғоясини илгари суриб, йирик жамоалар вужудга келишига, кишилик жамияти дастлабки элементлари пайдо бўлишига хизмат қилди. Эътиқодлар бирлиги умумжамоавий моҳият касб этиб, максадлар муштарақлигига олиб келди. Бу, албатта, ўзига хос цивилизацияйи ҳодиса эди.

Миллат турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари орқали ўзининг қиёфасини намоён этади. Урф-одатлар, анъаналар миллат руҳияти ижтимоий-психологик оламининг ўзгинасидир.

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратлари одамнинг пайдо бўлиши, унинг генетик асослари, соғлом ва баркамол вужуднинг шаклланиш омиллари хусусида гапирав экан, улуғ аждодларимиз таълимомтида мавжуд бўлган тўрт унсурга алоҳида эътибор беради. Ҳаво, тупроқ, сув ва қуёш инсон камолотининг

асоси, дейди. Йилнинг тўрт фасли мукаммаллиги, табиий муҳит, географик шароит инсон танаси ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Фаслларнинг ўз вактида ва тўла ҳолда келиши одам руҳияти, кайфияти, қалб кечинмалари тўлақонли шаклланишига имкон беради.

Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг, миллатларнинг пайдо бўлиши асослари ҳақида гапирав экан, табиий муҳит, географик шароит, ҳаво ва куёшнинг қай дараҷадалиги одамлар ва миллатлар шаклланишига асос бўлган, дейди. Жамоа бўлиб яшаётган улкан худуддаги одамлар руҳияти яаш шароити ва табиий муҳит таъсирида шаклланган.

Ўзбек халқи, ана шу талаблардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ер шарининг энг баркамол масканида дунёга келган ва шаклланган. Одамлар руҳияти покизалиги, фикрати тинқлиги, онгу шуури гўзаллиги айни шу табиий муҳит билан уйғунлашиб кетган ҳодиса, дейиш мумкин. Буни илк аждодларимиз қарашларида яққол қўрамиз. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган ибтидоий ҳаёт шароитида дастлабки аждодларимиз ўз максадлари, интилишлари, орзулари ва армонларини оғзаки ифода этган. «Алпомиши», «Гўрӯғли», «Кунтуғмиши» сингари ўнлаб достонларни яратган. Уларда эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, умид ва умидсизлик зиддиятлари, ҳасад, кўролмаслик сингари иллатлар ва қатор фазилатлар эҳтирос билан ифода этилган. Достонларнинг барчасида кучли қалб оғриклари, изтироблари драматик тарзда баён қилинган. Уларнинг охирида эса эзгулик, яхшилик, муҳаббат ғалаба қиласи. Худди шундай ҳолат эртакларда ҳам бор. Ҳар бир эртак эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги ашаддий тўқнашувлар оқимида

давом этади ва уларнинг барчаси бир хил якун топади. Яъни яхшилик билан тугайди. «Улар мурод-максал ларига етишди», деган гап барча эртакларнинг якунни ҳисобланади. Ана шунинг ўзи илк аждодларимизнинг хаёлоти қай даражада гўзал, фикрати теран, орзула-ри рангин, ниятлари покиза бўлганини кўрсатади. Бу руҳий поклик ўзбек халқининг кўп минг йиллик та-ракқиётида асос бўлиб келмоқда.

Иккита буюк цивилизация ҳодисасини кўрган мұъ-
табар маконда бугун бутунлай янги тарихий шароит-
ларда янги Ўзбекистон вужудга келгани, унинг реал
воқеликка айлангани, янги Ренессанс остонасида тур-
гани халқимиз маънавий ва ақлий кудратининг буюк
ижодкорлик ва яратувчилик салоҳияти натижасидир.

Биз ахборот хуружи даврида яшаямиз. Ер шари
ахборот тўри ичидаги балиқдай типирчилаяпти. Бир-би-
рига зид, бир-бирини инкор қиласиган, миллий ма-
даниятларни, қадриятларни поймол қиласиган турли
ахборотлар кўпаймокда. Маълумот олиш, тўплаш, са-
ралаш ва тарқатиш имкониятлари ақлга сиғмайдиган
даражада кенгайиб кетди. Кичкинагина қўл телефонининг
битта мурватини босиш билан Ер шарининг
хоҳлаган нуқтасига ахборот юбориш мумкин. Ана
шундай тезкор ахборот алмашиши жараённада ахборот-
ларни танлаш ва саралаш кудратига эга бўлган кучли
миллий менталитет, миллий тафаккур, миллий руҳият,
маънавий ирода зарурлигига эҳтиёж сезамиз.

Замонавий цивилизация шароитида қирғинбарот
урушлар, оммавий қирғин қуроллари ибтидоий ҳоди-
сага айланди. Миллатларни йўқ қилиш ёки уларни забт
этишнинг беозор ва самарали воситаси юзага келди.
«Юмшоқ куч» деб аталадиган бу жараён миллатлар
онгига ва қалбига таъсир этиш йўли билан уни ўзли-
гидан айриш, миллий қадриятлардан узоклаштириш,

Үтмиши ва аждодларини танимайдиган манқуртга айлантириш тенденциясини кучайтириб юбормоқда. Шундай ғоят хавфли, мафкуравий, ғоявий бүхронли жараёнда миллатнинг ўзини ўзи асраш инстинктини, ички даъватини, қалб ҳайкиригини кучайтироғимиз лозим. Бунинг учун фақат маънавият ва маданиятга эътиборни кучайтириш, уни тарғиб қилишнинг самарали воситалари, усувлари ва услубларини, замонавий ва таъсирчан технологияларини жорий этиш максадга мувоғифик.

Ҳар бир инсонда миллатга мансублик, ўтмишга дахлдорлик, истиқболга умид ва катта ишонч билан интилиш туйғуси бор. Факат бу ноёб туйғу ҳар кимда ҳар хил. Бирорда кўпроқ, бошқасида камрок. Хусусан, замонавий шароитда ёшлар дунёкарашини ўзгартириш, миллий қадриятлардан узоклаштириш, миллатга мансублик ҳиссиётини ўлдириш осон. Чунки улар ҳали катта ҳаётий тажрибага ва аниқ позицияга эга эмас. Биологик, физиологик ва интеллектуал жиҳатдан қараганда ёшига муносиб равишда уларда ақлдан кўра ҳиссиёт кучлилик қиласи. Бундай пайтда уларни йўлдан уриш, хоҳлаган кўйга солиш, онгига исталган ғояни сингдириш осон кечади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий кўпчилигини ёшлар ва болалар ташкил этган бир пайтда бу масалага жиддий қарашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Буюк немис файласуфи Освальд Шпенглер «Қарда маданият йўқолса, ўша ерда зоология кучаяди», деган эди. Дарҳақиқат, инсон бошқа жонзорлардан ҳис-туйғуси, аклий имкониятлари билан фарқ қиласи. Ана шу иккита катта омил унинг инсон ва шахс бўлиб етишишига хизмат қиласи. У маданиятдан узоклашгани сайин вужудидаги ижобий фазилатлар камайиб, иллатлар микдори кўпайиб, ҳайвоний инстинктлар

кучайиб боради. Натижада инсон одам киёфасинаги бошқа жонзот, йирткич ва ёввойи маҳлукка вийлонади.

Инсоннинг ягона ва бирдан-бир ҳалоскори – маънавият! Уни олий қадриятга айлантирадиган күч маданият ва маърифат. Юксакларга кўтарадиган, қадру кимматини оширадиган, олам меҳварига олиб чиқадиган бекиёс Кудрат! Миллий туйғу, миллатга мансублик хисси инсоннинг хаётда омонат, сунъий урчи-тилган жонзот эмас, у буюк тарихнинг, бой ўтмишнинг ва улуғ аждодлар вориси эканини билдиради.

Агар унинг қадриятлари топталмаса, агар урфодатлар, анъаналар қадрланса, агар одамлар ўтмишига катта ҳурмат, аждодларига эътиборли бўлса, улар қолдирган ҳаётий ва маданий қадриятларни ҳурмат килса, миллат ўлмайди!

Янги Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва урфодатларнинг барқарор ривожи учун кенг имкониятлар яратилган. Миллат қиёфасини, миллий кечинмаларини ўзида ифода этган турмуш тарзи тобора чукурлашмоқда. Бунга давлатнинг ўзи ҳомийлик қилмоқда.

Дунё калкиб турган бир пайтда, турли ғоявий ва ахборий ҳуружлар кучайиб бораётган бир шароитда миллатнинг ўзини ўзи асраш инстинктини кучайтириш лозим. Бу бевосита маънавият ва маърифат билан боғлиқ. Ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган, ўзини ўзи асрай биладиган одамда маърифат кучли бўлади. У ҳар қандай шароитда юксак маданиятини намоён қила билади. Агар ҳар бир одам ана шундай имкониятга эга бўлса, ялпи жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамоллашади. Кучли, кудратли ўзбек жамияти юзага келади. Бу эса миллатнинг истиқболдаги равнақини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини, умумсайёра миқёсида баркамол миллий қиёфасини намоён қилиш имконини беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ҳар бир мактаб ўқувчиси битта миллий мусиқа асбобини чалишни билиши керак», деганида жуда катта ижтимоий муаммони, миллат қиёфаси ва унинг миллий қадриятлари билан боғлиқ масалани ифодалаб берган эди. Айни мусиқа орқали қалб қиёфасини баркамоллаштириш, ёшлар хәёлотини гўзаллаштириш, фикратини ёрқинлаштириш, максад ва интилишларини эзгулик сари буриш мумкин. Бу Ўзбекистондай ёшлар мамлакатида жуда мухим миллий ва ижтимоий моҳиятга эга.

Болага эътибор – миллат истиқболига эътибор. Миллат генофондини соғломлаштиришнинг энг тӯғри ва самарали усули. Соғлом бола дунёга келиши бутун миллат жисмоний ва интеллектуал баркамоллигининг мухим омили. Бу борада мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда.

Атокли адид, жаҳон маданиятининг йирик намояндаси Чингиз Айтматов хулосаларига кўра, она корнидаги ҳали одам шаклига кирмаган икки ҳафталик эмбрион ташқи мухитни ҳис қилас, унинг таъсирида ўсиб, характеристи шаклланар экан. Мана дунёни асрайдиган, оламни безайдиган, инсонни баркамоллаштирадиган манба қаерда?! Давлатимиз, хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий сиёсатидаги шу масала энг мухим ва долзарб вазифага айлантирилган. Соғлом она ва соғлом бола ғояси миллатини асрарининг энг самарали воситаси бўлиб қолди. Тинч ва фаровон оила, соғлом турмуш тарзи, одамлар ўргасидаги меҳр ва муҳаббат туғилажак боланинг, миллат келажагининг таянчи!

Узок йиллар мобайнида миллий қадриятларга бени сандлик билан қараш ва тоталитар режимнинг турли ғайриинсоний қарашлари оқибатида ўзбек генофондига айлана бошлаган эди. Бугун янги Ўзбеки-

тонда ушбу масалага катта эътибор берилмоқда. Ҳар томонлама соғлом, интеллектуал жиҳатдан бақувват, ижодкорлик, бунёдкорлик имкониятлари кенг баркамол миллатни вужудга келтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса ҳаммамиз учун ғоят шарафли, дилларни кувнатадиган, кўзларни яшнатадиган, буюк келажакка қатъий ишонч билан қарашга даъват этадиган ҳодиса.

Президентимиз шу йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Таракқиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бажариладиган вазифаларни аник кўрсатиб берди. Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналиш доирасидаги «Инсон қадри учун» йўналишида 100 та мақсад белгиланди. Уларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тараккиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – маънавий тараккиётни таъминлаш ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш масалаларига доир концептуал режалар тузилган. Таъкидлаш керакки, стратегия математик аниқликда ишлаб чиқилган. Ҳар бир чора-тадбир учун масъул шахс ва бажариладиган муддат аник белгиланганди. Уларни бажаришнинг молиявий-ташкилий асослари ишлаб чиқилган. Бундай реал воқелик билан боғланган, конкрет масалаларга тўғри ва очик ёндашилган расмий хужжат биринчи марта яратилди. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув фаолиятидаги ўта аниқликни кўрсатади.

Маънавий баркамоллик маърифатлиликдан бошлилади. Маърифатли жамият ҳар қандай ислоҳотларга

кодир бўлади. Ана шу ҳаётй ақидадан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг муҳим методологик аҳамиятга эга қуидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: «Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади.Faқатгина ана шундай заминга таянган ҳолда, биз юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз».

Кўриниб турибдики, ҳаётимизнинг барча соҳалари каби маънавий-маърифий таракқиёт борасидаги вазифалар ижроси ҳам бош мақсадимиз – Учинчи Ренессанс асосларини шакллантиришга хизмат килади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатлар мазмуни ва сифати айнан маънавий-маърифий ишларни қандай олиб боришимизга боғлик.

Бу муҳим йўналишда улкан амалий ишлар бошланганига барчамиз гувоҳмиз. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, юртимизда маънавий таракқиётни таъминлаш ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда белгиланган 8 та мақсад ва 30 та топшириқни амалга ошириб, маънавий-маърифий ишларнинг маъно-мазмуни ва сифати тубдан яхшиланмоқда.

Президентимиз «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида бу қадриятларнинг инсон, давлат ва жамийат хаётидаги ўрни ва аҳамиятига атрофлича тұтқалыб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб үттани, албатта, бежиз эмас: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун илғор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак».

ОНА СИМФОНИЯСИ

Инсоният яралибдики ҳаёт ҳакида, ҳаёт бешиги – она ҳақида энг азиз, энг жозибали сўз айтгиси келади. Ваҳоланки, сўзниг ҳам, ҳаётнинг ҳам, турмуш завқи, сурори ҳам онадан бошланади.

Айтишларича, файласуфлардан бири қалбининг туб-тубидан ситилиб чиқадиган хиссиётлари, илтижолари, таваллолари изхорини «Аллоҳ ҳакида Сўз» дея атаган экан. Сўз нима? Одам сўзни кандай ўрганади? Бир парчагина суюксиз тил қандай килиб сўзниifo-далайди? Сўзниг ўзи аслида она қалбининг қат-қатидан, минг бир хужайрасидан ситилиб чиқкан нидо эмасми? Бу каби саволлар кўп. Назаримизда жавоб битта: Сўзниг буюк ижодкори – Она. Шу боис, сўз – ҳаёт аввали. Мурғаккина бола илк бора она бағрида, унинг қалб тўлғонишлиарида, меҳр ва умид изҳорида сўз эшитади. Демак, она борликнинг мўъжизаси, буюк ва бетакрор кудрати, бебаҳо неъмати. Шундай экан, бу рангин олам, бу сержило дунё она туфайли гўзал, мазмундор, мафтункор.

Борлик маҳобатли, чексиз-чегарасиз мажмуя. Унда фалсафа, тафаккур, ранг, оҳанг, мусика бор. Факат уни англаш, ҳис қилиш лозим. Бунинг учун эса уни бутун борлиғи ва салмоғи билан идрок эта оладиган қалб керак бўлади. Ана шу қалбни, бебаҳо гавҳарни, инсон мөхиятини ўзида мужассам этган олмосни она ҳадя этади.

Дунё ўзгаряпти, маънавий-ахлоқий таназзул Ер шарини камраб олмоқда. Инсоният қалби ҳувиллаб

қоляпти. Бу сайёравий фожиадан изтироб чеккан БМТ Бош котиби Антонио Гуттериш «XXI асрнинг буюк фожиаси шундаки, инсоният қадриятлардан узоклашмокда», деган эди. Инсон кўп ҳолларда робот шаклидаги хиссиз, туйғусиз, қалби ҳувиллаган тирик мавжудотга айланмоқда. Бу бизни дунёга келтирган, бу ёруғ оламни яшнатиш, яшартириш, ҳаёт деган ғоят жозибадор ва гўзал имконият мазмунини бойитишни орзу қилган онани унутишга олиб келмоқда. Ваҳоланки, она буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиrolар, бетакрор гўзalликлар, ҳайратомуз нафосат ижодкорларини дунёга келтиради. У инсонийликни асрash, ривожлантириш, камолотга етказиш орқали кишилик ҳаётининг буюк халоскори эканини унутмоқдамиз.

Борлик маҳобатли, чексиз-чегарасиз мажмуя. Унда фалсафа, тафаккур, ранг, оҳанг, мусика бор. Фақат уни англаш, хис қилиш лозим. Бунинг учун эса уни бутун борлиги ва салмоғи билан идрок эта оладиган қалб керак бўлади. Ана шу қалбни, бебаҳо гавҳарни, инсон моҳиятини ўзида мужассам этган олмосни она ҳадя этади.

Дунё ўзгаряпти, маънавий-ахлоқий таназзул Ер шарини камраб олмоқда. Инсоният қалби ҳувиллаб қоляпти. Бу сайёравий фожиадан изтироб чеккан БМТ Бош котиби Антонио Гуттериш «XXI асрнинг буюк фожиаси шундаки, инсоният қадриятлардан узоклашмокда», деган эди. Инсон кўп ҳолларда робот шаклидаги хиссиз, туйғусиз, қалби ҳувиллаган тирик мавжудотга айланмоқда. Бу бизни дунёга келтирган, бу ёруғ оламни яшнатиш, яшартириш, ҳаёт деган ғоят жозибадор ва гўзал имконият мазмунини бойитишни орзу қилган онани унутишга олиб келмоқда. Ваҳоланки, она буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиrolар, бетакрор гўзalликлар, ҳайратомуз нафосат ижодкорларини дунёга келтиради. У инсонийликни асрash,

ривожлантириш, камолотга етказиш орқали кишилик ҳаётининг буюк халоскори эканини унутмоқдамиз.

«Таъмирланган», «сунъий тарбияланган» инсонни вужудга келтиришдек нобакор ғоя инсониятни азалий ва абадий қадриятларидан узоклаштирум оқда. Бу инсон табиатидаги, умуман инсоният рухиятидаги оғир ўпирлишларга сабаб бўляпти. Бу хавфли, хатарли жараёндан бизни асрайдиган ягона қудрат – Она. Биз меҳрдан узоклашяпмиз, муҳаббатни чўпчакка айлантираяпмиз. Уларнинг барчасини асрагувчиси ва халоскори Она, деган қадриятдан узоклашяпмиз.

Онанинг ҳаётга мазмун киритадиган, унинг мөхиятини бойитадиган қудрати ҳакида ўйлар эканман, болалигимни эслайман. Онам оддийгина аёл эди. Бироқ чанқовуз чалишини, куй оҳангидан роҳатланиб, тўлқинланиб туришини қўп кўрганман. Бу сирли оҳангни вужудим билан эшитар эдим. Чанқовузнинг бироз ҳазин ва бўғик садосидан ўзим билмаган ҳолда алланечук бўлиб кетардим. Бу синоатли тўлқинларда ҳаёт нашидаси, онамнинг зоҳиран оғир-босик, тинч осуда, аммо ботинан денгиздай қалб пўртналари бор эди. Ифодалаб бўлмас кечинмалар оғушида онамга катта ҳайрат ва ҳаяжон билан қаардим. Эҳтимолки санъатга, адабиётга иштиёқим ана шу лаҳзаларда туғилгандир.

Онамнинг болалигимда айтган аллалари ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Бироз маъюс, аммо умидвор, баъзи ҳолатларда ғамгинлик, эзгинлик билан аллақандай кўтаринкилик, завқ қоришиб кетган баҳтиёр онанинг ғоятда ёқимли овози янгарди. Эҳтимолки меҳр-мурувватнинг зуваласи ғамгинликдан яралгандир. Онамнинг овози жуда ёқимли, сирли, синоатли эди. У кишининг аллаларида қандайдир са-мовий, киши қалбини жунбишга келтирадиган қудрат

борлигини мурғак қалбим билан ҳис қилардим. Алла айтган пайтлари беихтиёр, ўзим билмаган ҳолда югуриб бориб онамнинг пинжига тиқилардим. Тиззасига бошимни қўйиб йиғлагим келарди. Бўғзимга нимадир тиқилиб қоларди. Оханг сехридан этларим жунжикиб, юрагим ҳаприкиб кетарди. У фактат қўшикгина эмас, айни пайтда ифодалаб бўлмас меҳр тўлқини эди. Бу оиласа, ҳаётга, фарзандларига муҳаббатнинг тушунтириб бўлмайдиган садоси эди. Алла оҳанглари ғоятда сирли, синоатли, жуда ёш бўлишимга қарамасдан бутун вужудимда титроқ уйғотиб, ўзим англамаган эзгуликларга чакираётгандай бўларди. Бу она қалбининг нидоси, орзу-армонлари қўшилиб кетган муножоти эди. Айни пайтда, оҳангнинг туб-тубида таърифлаб бўлмас дараҷадаги муҳаббат, иштиёқ, ишонч ва шижоат ётарди.

Аслини олганда аксарият оналар алла айттаётганида бирон қўшиқни ёдлаб айтмайди. У ўзининг қалб қўшиғини, эзгу орзулари нидоларини, мурғаккина бола бахту иқболи билан боғлиқ бўлган ҳиссиётларини куйлади. Аслида эса оналиктининг буюк чўққиси, такрорланмас намунаси ана шу эди.

Ҳар бир инсон камолотида отанинг ўрни катта. Бироқ у оиласи моддий таъминлаш, кам-қўстини тўлдириш, хонадон фаровонлиги, мустаҳкамлиги учун масъул. У кўча одами. Она эса аёллик назокати, латофати, муштипарлиги ва меҳр-муҳаббати тимсоли. Унда эзгуликлар, садокат, соғинч ва илҳом мужассам.

Жаҳон адабиётининг мумтоз вакилларидан бири Лев Толстой аёл ва унинг қадрияти хусусида гапирав экан, қуидагиларни баён этади: «Аёл ва эркакнинг мақсади бир: Худога хизмат қилиш. Аммо ҳар икки жинс вакилларининг Худога хизмат қилиш йўллари турлича ва улар аниқ белгиланган. Шунинг учун ҳар

бир жинс ўзига хос йўл билан Худога хизмат қилиши лозим. Аёллар учун энг асосийси ва факат уларга тегишлиси – болалар туғиши ва уларни бошланғич тарбияси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ишга ва у билан боғлиқ жараёнларга аёлнинг бор кучи ва эътибори қаратилиши керак. Аёл эркак киши қиладиган ҳамма ишни бажариши мумкин, лекин эркак аёл қиладиган ишларни қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам аёл бутун қучини факат ўзигина бажара оладиган (бода туғиши ва унинг дастлабки тарбияси) ишга тўла сафарбар этмоғи лозим».

Атоқли адид айни пайтда буюк файласуф эди. У одам ва олам, инсон ва инсоният тақдирни ҳақида чуқур қайғурган, ҳаёт баркамоллиги ва етуклиги ҳақида ноңдир тафаккур гавҳарларини мерос қолдирган улуғ инсон эди. Ёзувчи Лев Толстой ҳаёт моҳиятини, унинг қадриятини асосларини Аёл ва Она тушунчасида кўради. Уни юксак қадрлаб, шахсий ва ижтимоий моҳиятини очиб беради ва «Болани дунёга келтириш аёл учун ўзидан воз кечишни англатади. Аёл ўзида ўзидан воз кечиш маҳоратини тарбиялагани ҳолда уни ҳаётнинг бошқа жараёнларида қўллай олади», дейди. Бу – жуда катта маънавий қудрат, руҳий иродади.

Албаттa, ҳар бир даврнинг ўз юки, масъулияти, жавобгарлиги бўлади. Бугуннинг онаси дунё қалқиб турган бир пайтда етти миллиарддан ортиқ инсон билан бирга эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат оралиғида яшамоқда. Ер шари ана шу бир-бирига зид, бир-бирини мавҳ этишга тайёр турган туйғуларнинг маҳобатли рингига айланган. Бундай чуқур драматизм ҳолатида онанинг кечинмаларини, изтиробларини ҳис қилиш қийин эмас. Зотан, она эзгулик, яхшилик, муруватлилик, муҳаббат ва бошқа қатор фазилатлар волидаси. Унинг бекиёс тимсоли.

Она ҳеч қачон фарзанди ёмон бўлишини хоҳгамайди. Онанинг ёмони йўқ. Она, аёл булоқ сувидек покизи на шаффоф, дарёдек шиддатли, уммондек бағрикен. Бу улуғворлик, майнлик, назокатлилик, латофатлилик билан уйғунлашиб кетган фазилатнинг туб моҳиятида тоғдек викор ва абадий орият ётади. Она оламининг ғоятда ранг-баранглиги, маҳобатлилиги ана шунда. Аёлнинг бутун моҳияти ва қадриятый кучи унинг тириклик ижодкори, хаёт манбаи, яшаш ва улуғ максадлар билан умргузаронлик қилиш қудратида.

Она миллатнинг таянчи, асоси. У ҳеч қачон айни-майдиган, зангламайдиган олтин. Миллий қадриятлар ва ўзига хосликнинг бебаҳо гавҳари, юксак ахлоқ, эзгуликлар жавҳари. Миллат она туфайли мангу яшайди. Авлодлар шажараси у туфайли давом этади. Миллат шаъни, орияти, ғурури тимсоли. Она нафасида олам оҳанги, борликнинг мусикаси мужассам, унинг илиқ, ёқимли сасида ҳаётбахш куч бор. Биз у орқали, фақат у орқалигина оламни кашф этамиз, унинг қатларини очамиз. Олам ичра олам бўлиб яшаймиз. Бир лахза бўлса-да ундан узилолмаймиз. Ана шунда ўқтам, жасур, ботир, мард ўғлонлар – учкур тулпорлар, қалби меҳрга тўла мушфик, меҳрибон, сувратию сийрати гўзал қизлар – шонли, шарафли, баркамол авлодни дунёга келтиришга умрини бағишлайдиган мўътабар оналар дунёга келади.

Она муҳаббати – бола ҳаёти, бола эҳтиёжларининг нажот манбаи, битмас-туганмас қудрати. Зотан, мурғаккина гўдак, авваламбор, меҳрга, муҳаббатга, эркалатишларга мойил бўлади. У ички сезим орқали ҳаммадан олдин онани ҳис қиласи. Унга соғинч ва интилишларини билдиrolмаса-да, интиқ бўлиб кутади. Унинг илиқ, хузурбахш ҳароратидан, ёқимли ва жонбахш хидидан ором олади. Она ва бола ўртасида кўз-

га күринмайдиган, калб ва рух билан боғлик бўлган алоқа, муносабат шаклланади.

Оналик меҳри, она муҳаббати, факатгина болага ғамхўрлик ёки жавобгарликкина эмас, айни пайтда у ўз оламининг нақадар улуғвор ва баркамол экани, ҳаёт деган олий қадриятга нур ва тириклик баҳш этаётгани тимсолидир. Бу муҳаббат бола ҳаётини сақлаб қолиш, унинг бекаму кўст, соғлом ўсиши билан боғлик бўлган ва бутун оламга меҳр улашадиган мўъжизага айланади.

Ана шу табиий-биологик, маънавий-рухий ҳолат фарзандда ҳаётга интилиш, яшаш учун қураш, тириклик завқи, ўзининг борлигини хис қилиш каби соғ инсоний феъл-атворни шакллантиради, фазилатларини бойитади ва муҳаббат хисларини кучайтиради.

Она қалбидан сассиз садо келади: «Сенинг туғилишинг мен учун мўъжиза, буюк саодат! Сенинг дунёга келишинг умримнинг бутунлиги, ҳаётнинг бардавомлиги! Сенинг туғилишинг – менинг мангу барҳаётлигим!». Бу умидли сас мурғак боланинг шунчаки яшашини эмас, балки ҳаётга чексиз муҳаббатини уйғотади. Бу еру кўкни, осмону заминни – бутун борликни қамраб олган меҳр эди. Оламни гўзалликларга, эзгуликларга ўраб олган буюк муҳаббат эди. Ана шу тарзда она инсоният ҳаётини тўхтовсиз ҳаракатга келтирувчи илоҳий қудратга айланади.

Она муҳаббати, илиқ меҳри ҳар қандай хавф-хатардан, ҳатто ўлимдан устун. Она фарзанди учун ҳамма нарсага ҳамиша тайёр. Жигаргўшаси, бир парча гўшт ҳолидаги палапони хатар олдида бўлса ҳеч иккиланмай ҳаётнинг барча завқу шафқидан, суруридан иккиланмай воз кечади. Ўзини қурбон қилиб бўлса-да фарзандини асрайди. Она ана шундай руҳий ва маънавий қудрати билан баъзи ҳолатларда эркаклардан устун турадиган ноёб хилқат. Фарзандини асраб қолиш учун

ҳаётидан воз кечишдан тоймайдиган, қайтмайдиган буюк қудрат тимсоли.

Бола вояга етгунча она унинг таянчи, химоячиси, меҳри ва муруввати билан мадад бўлгувчи хилқат. Бирок фарзанди вояга етгач ундан узоқлашса она буниям шодлик билан кутиб олади. Фарзандини мустакил инсон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлган одам сифатида кўриб қувонади. Она ва фарзанд ўртасидағи бундай мустакиллик, алоҳидалик уларнинг ўзаро муҳаббатига путур етказмайди, аксинча, бир-биридан куч олиб, бир-биридан рағбатланиб истиқболга кать-ий ишонч ва буюк саодат кўзи билан қарашиди. Ана шунда она инсоний худбинликдан, манфаатпарастликдан, фарзандига эгаликдан ўзини устун қўя оладиган етук ва баркамол ирода тимсолига, фарзанд камолотини рағбатлантирувчи қудратли кучга айланади. Берган меҳр ва мурувватларидан натижа кутмасдан унинг камолини тилайди.

Таникли шоира Шарифа Салимова онанинг меҳрли олами, унинг қалб изтироблари хусусида ўз қалб туғёнлари, оналик ҳисси, майнин ва ҳазин кечинмаларидан келиб чиқиб она сувратиу сийратини ҳайратланарли даражада бетакрор ифодалайди: «Тоғда бир гиёҳ бор, тунда етилар. У гиёҳ кўп сирли – меҳриги-ёхdir. Минг битта дардларга даво бўлар у. Бемор вужудларга мушфик паноҳдир. Тунда у ўт каби ловуллаб ёнар. Зулматни парчалаб, ёғду сочади. У нопок қўлларга ўзни тутқизмас. У муnis дилларга бағрин очади. Аёл ҳам бамисли шу сирли гиёҳ. Сиру синоати қалбida пинҳон. У улуғ тупроқдан қудрат олади. Шунда томир отар, гуллар берар жон. Она шер қудрати унда мужассам: ғаним кўзин бир шаҳд ила ўяди. Гўдаги инграса, қалб кони билан миллат жароҳатин боғлаб кўяди. Улуғ момоларин кутлуғ рўмоли артар кўкраги-

дан асрлар доғин. У пок, озғин, нозик құллари ила ҳеч кимга бермайди миллат байробин! Унинг алласидан уйғонар дунё: миллат уйғонади, халқ уйғонади. Асрлар кунжида мудраган караҳт улуғ сүз уйғонар, қалб уйғонади. У гүё миллионлаб нур куқунлари: миллат дарди ила кулиб қўяди. У эркни падардек, оғадек су-йиб, жонида гўдакдек олиб юради. У – она, у – сабр, у – ишқ, у – вафо, у – табиб, у – хабиб, у – бутун баҳтири, аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат, у тўрт фасл гуллаб турган дараҳтдир!»

Она қалби олам оҳангি. У мангу сўнмас, ҳеч қачон тугамайдиган қўшиқ, сирларга, синоатларга тўла тилсимот. Бу оҳангнинг жонбахш ва ҳузурбахш, ғоят ҳароратли кўйнинг эса қирралари кўп, жилолари бекиёс. Худди олмос сингари.

Мусика санъатида ҳар қандай мўъжизавий куй еттига нотадан яралади. Она қалби ноталари ҳам худди шундай. Бироқ бу ноталарнинг ҳар бирида етти минг қочирим, етти минг нола, етти минг хониш, етти минг усул бор. Унда янграган оҳанг бутун борликни ўзида ифода этган буюк ва маҳобатли симфония. Унда дунёнинг, серқирра ҳаётнинг биз англаған-англамаган синоатлари мужассам. Гоҳ дилхуш, гоҳ дилхун, баъзан қувноқ, баъзан маҳзун оҳанглар она қалби севинчу изтиробларининг акс-садоси. Унда ҳаёт драмаси – бутун фожиасию кулгулари ўз ифодасини топган. Она симфонияси янграб турар экан, ҳатто тошга айланган юракларни ларзага солиб, унда эзгу ҳисларни уйғотар экан, ҳаёт абадий ва гўзалдир.

Она симфониясида ҳаётнинг турли-туман оҳанглари, товушлари, ранглари уйғунлашиб кетган. Унда камалак гўзаллиги ва мафтункорлиги мужассам. Ранглар ва оҳангларнинг ўзаро бирлашишидан Она ва Ҳаёт моҳияти, унинг буюк фалсафаси юзага келади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН «БАҲОР» И ЮРТИМИЗНИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ» ГА АЙЛАНСИН!

ёхуд Мукаррама хоним қизлари хиром айлагандада...

Ҳар қандай мамлакатни дунёга танитишда, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналар асосида тарбиялашда санъатнинг роли катта. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқароларга маданий-маърифий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, маданият ва санъат соҳасида истеъоддли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусика дарсликлари, ноталар тўплами ва ўкув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш борасида мухим вазифалар белгилангани билан долзарб аҳамият касб этади.

Бир пайтлар жуда мураккаб вазиятларда ҳам ўзбек санъати «Баҳор» давлат ракс ансамбли орқали жаҳонга танилган эди. Лекин ўтиш даврининг бир қатор қийинчиликлари туфайли шундай машҳур жамоа фаолиятини якунлашга мажбур бўлди. Бу нафакат ўзбек ракс санъати мухлисларини, балки бутун ҳалқимизни ўйлантираётган масала эди.

2020 йил 4 февраль куни Президентимизнинг «Миллий ракс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги оламшумул қарори қабул

қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Маданият вазирлигі хузурида давлат муассасаси шаклида «Мукаррама Турғунбоева номидаги «Бахор» давлат ракс ансамбли» фаолияти қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Хўш, бевосита «Бахор» ансамбли ташкил этилишидан бошлаб унинг довруғ қозонишигача бўлган жараёндаги асосий мезонлар кандай бўлган? Янги «Бахор» ансамбли янада зафарли бўлиши учун нималар қилиниши зарур?

Давр тўсиқларини енгган жасоратли аёл

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда маънавият, маърифат, маданият ва санъатга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, – дейди академик Оқил САЛИМОВ. – Ушбу соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аник таклифлар ўртага ташланди, топшириклар берилди. Натижада ўзгариш эпкинлари ўзбек миллий ракси эшиклиридан ҳам кириб борди, унга янгиланиш ҳавосини бахш этди. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 4 февралдаги «Миллий ракс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ракс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шу каби муаммолар ечимида айни муддао бўлди. Айниқса, ҳозирги кунда Урганч шаҳрида минг ўринли санъат саройи бунёд этилаётгани кишини қувонтиради. Келгусида ушбу масканда Хоразм лазгиси анъаналарини сақлаш, ўрганиш ва кенг ёйиш учун замонавий шароит яратилиши, турли

тадбирлар, концертлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Якинда Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи давомида ҳам, «Охирги беш йилда кўп нарсани ўргандик, илгари ишонилмаган нарсаларга ишондик. Мен биринчи келганимда «маданият Мўйноқдан бошланади» дегандим», дея бежиз таъкидламади. Бугунги кунда юртимиздаги ислоҳотлар мамлакатимизнинг энг чекка худудларигача нафақат кириб бормоқда, балки янгиликлар нафаси айни шу худудларда акс этмоқда. Шунингдек, барча янгилик ва ўзгаришлар асосида устоз санъаткорларимиз тажрибаси ва маҳорат мактабидан ибрат олишга ҳаракат қилинаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари ўз маъruzаларида ракс санъатида ҳам устоз-шогирд анъанаси муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ўз санъати билан халкимиз маданиятини, санъатини дунёга танитишда жуда катта меҳнат қилганини бежиз эътироф этмади. Чиндан ҳам бир пайтлар Ўзбекистонни кўп давлатлар танимас эди. «Баҳор» ансамбли эса Ўзбекистон номини дунёга таниди, мамлакатнинг ташриф коғозига айланди. Айни пайтда янги Ўзбекистон «Баҳор»и ҳам юртимизнинг ташриф коғозига айланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё!

Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, «Баҳор» ансамбли тарихига назар солсак, Мукаррама Турғунбоева шахси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур...

Болалик хотираларимдаги қўзгуда Мукаррама хоним сиймоси у хиром айлаган «Тановар» оҳангларида ўзгача жилваланади. Ҳар гал телевизор экранида ўша қадрдон кўшиқ янграй бошласа, Турсуной бувим кўз-

ларига ёш олиб шивирлай бошларди: «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур...»

Фаранг рўмоли билан юзини пана қилган малак ибоси, ажабтовур майда кадамлари, нафис ҳаракатларини томоша қилас эканман, ўша пайтдаги ақлим билан бувижонимнинг изтиробларини тушунмас эдим. Бобожоним ҳам бундай пайтда телевизор қаршисидан кетолмас, «Мана асл санъат маликаси», дея беихтиёр алқаб қўярди...

Нима учун халқимиз Мукаррама хонимни шунчалар яхши кўрган? Ҳар қандай инсонни сехрлайдиган, қалбларимизни мумтоз санъатимизнинг ўлмас ришталарига чамбарчас боғлаб қўядиган бу илоҳий истеъоддининг номи нима экана...

Тарихий маълумотларга кўра, Мукаррама Турғунбоева болалигига етимликнинг тошдек қаттиқ ногидан татиб кўрган. Кўхна Марғилон боғларида, кўчаларида, хонадонларида ҳаёт синовларидан ўтган тийраккина кизалоқ бир куни ўз истеъоди билан нафакат Ўзбекистон, балки бутун дунёда ном қозонади, деса ким ҳам ишонарди?.. Бироқ Яратганинг мўжизалари чексиздир! Юсуфжон кизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов ва Тамара хонимдек буюк санъакторлар назарига тушган бу кизалоқ ўзбек санъати тарихида ёрқин из қолдирди. Кейинчалик хорижий сафарлардаги учрашувларда Мукаррама опа: «Мен қаерда бўлмайин, кўхна Марғилонимни, Ўзбекистонимни ҳамиша юрагимда олиб юраман. Хорижий сафарларда она халқимнинг иссиқ тафтини, буюк қалбини, мумтоз санъатимизга бўлган юксак муҳаббатини жамлаган – «Тановар»ни янада чуқурроқ ҳис қиласман», дея таъкидлаган.

Шу қадар гўзал ва нафис рақслар борлигини бilmagan эканман...

1957 йилда Мукаррама Турғунбоева ўзи саҳналаштирган «Пахта» ва «Пилла» ракслари билан Москвада ўтказилган 6-Жаҳон фестивалида қатнашади. Ижодий жамоа бу фестивалда олтин медални кўлга киритади ва Мукаррама хонимга миллий рақс ансамблини тузишни маслаҳат беришади. Шундай килиб, 1957 йилнинг октябрь ойида Зулайҳо Раҳматуллаева, Валя Романова, Аъло Раҳимжонова, Ира Расулхўжаева, Дилбар Абдуллаева каби 12 нафар ракқосадан иборат ансамбль ўз фаолиятини бошлайди. Опа «Ўзбекконцерт»да ишлаётган шоир Камтар Отабоевдан ансамблга муносиб ном топиб беришни илтимос қилади. Эртаси куни у келиб, «Ансамблнинг номи «Баҳор» бўлади!» деганида ҳамма қарсак чалиб юборади. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев «Баҳор вальси»ни басталашга киришади. Бирин-кетин 15 та дастур яратилади. Ўша кундан буён ансамбль қаерга сафарга борса, ҳамиша дастур аввалида «Баҳор вальси», охирида эса «Пахта сюитаси» ижро этилган.

– 1960 йили «Баҳор» ансамбли давлат рақс ансамблига айлантирилди, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев. – 1967 йилда ансамбль Ёшлар мукофотига, орадан бир йил ўтиб эса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль унвонига эга бўлди. Ансамбль Ливия, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Покистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда гастролда бўлди. У турли халқаро фестиваллар иштирокчиси ва совриндорига айланди.

«Баҳор» ансамбли довруғи бутун оламга ёйилган пайтларда устоз санъаткорлар Қаҳрамон Дадаев ҳамда

Бахтиёр Йўлдошевнинг тавсияси билан Хайрулла Лутфуллаев ишга келади.

– Канадага борганимизда концертдан сўнг ёши кексароқ бир олима аёл, «Атлас деб аталган сеҳрли матодан кўйлак кийиб, ироки дўппи кийиб олган бу ўзбек нозанинлари фаришталарнинг ўзи-я... Ёруғ оламда шу қадар ҳам нафис ва гўзал рақслар борлигини билмаган эканман. Қалбларни, кўзларни қувнатадиган, яшнатадиган либосларингиз ва санъатингиз шайдоси бўлиб қолдим», деган ҳайратланиб... Мана, ҳозир Ўзбекистонимизда канчалар улкан ўзгаришлар содир бўляпти. «Баҳор» ансамблининг қайта тикланиши ана шу ўзгаришлар ва янгиланишлар даврига жуда ярашди. Миллий мусикаларимиз, раксларимиз ва мумтоз кўшикларимизга қаратилаётган бу эътибор халқимиз маънавиятига бўлган эътибор, деб биламан.

Уруш бўлаётган юртларда ҳам концерт берганмиз

Санъатшуносларнинг таъкидлашича, Тамара хоним, Уста Олим Комилов, Галия Измайлова ҳам ўзбек санъатини чет элларда намойиш қилган. Лекин ўзбекча оммавий раксларни, асосан Мукаррама Турғунбоева дунё саҳнасига олиб чиқди ва тарғиб қилди. Хориж сафарларида концертдан сўнг муҳлислар «Баҳор» санъаткорларини ўраб олишар, қаердан келдингиз, дунёда Ўзбекистон деган юрт борми, қаерда жойлашган бу афсонавий ўлка, дея саволга тутишар, юртдошларимизнинг жавобини зўр қизиқиши билан тингларди.

– «Баҳор» маликалари ҳатто уруш кетаётган ўлкаларга ҳам бориб концерт берган, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева. – Айниқса, Анголада бўлган бир воқеа эсимда қолган. Ансамбль бир шаҳардан иккинчисига концерт бериш учун учиб ке-

таётганида учувчилардан бири салонга кириб самолётга ўқ узишаётганини, зудлик билан ортга кайтиш зарурлигини маълум қиласди. Шунда Мукаррама опа бу хабардан чўчиш ўрнига, «Энди концертишимиз нима бўлади?» деган ташвиш билан. Афғонистонга бўлган сафарларимиз давомида ҳам хатарли вазиятларга қарамасдан Мукаррама опа сафнинг энг олдига ўтиб олар, қизлар тез-тез юринглар, биз асосий вазифамизни бажаришимиз керак, дер эди шижаот билан қадам ташлаб...

– Дастурларимиз доира рақслари билан бетакрор эди. Ансамбль билан 110 та давлатда сафарда бўлганмиз, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфиддинов. – Шуни таъкидлашни истардимки, Мукаррама опа билан тайёрлаган дастурларимизда доира рақсларига алоҳида эътибор қаратилган. «Учрашув»ни турмуш ўртоғим Гулсанам Сайфиддина ва билан бирга ижро этганмиз. «Пилла», «Катта ўйин», «Чўпон» рақсларини ҳам ўзгача шижаот ва ҳаяжон билан ижро этар эдик. Ўша пайлари доира ўйинлари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир чиқишишимизни зўр олқишилар билан кутиб олишган.

Ансамбль ижодкорлари қаерга борса ўша давлатнинг миллий рақсларини ўрганиб қайтар, шу билан бирга, миллий ўзбек рақсларини ҳам бошқа миллат вакилларига ўргатишдан чарчамас эди.

– Ҳиндистонга борганимизда машҳур давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлал Неру, «Ҳиндистонни биринчи марта Бобур Мирзо забт этган бўлса, иккинчи марта «Баҳор» ансамбли ўз санъати билан забт этди», деганида бутун зал ўрнидан туриб қарсак чалган, – дейди Талъат Сайфиддинов. – Биз ўзга миллат куйлари ва раксларини жуда тез ўзлаштирас эдик. Лекин улар бизнинг рақсларимизни ўрганишда жуда қийнал-

ган. Мусиқаларимизни ҳам чала олмас эди. Айникса, «Гиря», «Феруз», «Сегоҳ»ларни бирдан ўрганиб бўлмайди-ку... Ҳозирги кунда «Баҳор»да фаолият олиб бораётган шогирдим, маҳоратли доирачи Маъмуржон Мирдадаевдан умидимиз катта.

Йигирма йиллик танаффус ва... янги тақдимот ҳаяжонлари

– Опам Насиба Мадраҳимова билан «Баҳор»нинг концертларига бориб туар эдик, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, «Баҳор» давлат ракс ансамбли бадиий раҳбари Зиёда Мадраҳимова. – Ўша пайтлари ансамблнинг бадиий раҳбари Мукаррама Турғунбоеванинг санъатга бўлган муҳаббатини кўриб менинг ҳам ниятларим, орзуласирим қатъийлашган.

Мукаррама опа Турғунбоева «Баҳор» ансамблига 25 йил раҳбарлик қилди.

200 дан ортиқ ракс саҳналаштириди. «Баҳор» дунё кезди. Мукаррама опадан сўнг Қундуз Мирカリмова, Равшаной Шарипова, Маъмура Эргашева «Баҳор» ансамблнинг бадиий раҳбари бўлиб фаолият олиб борди. Кейинчалик давр ўзгариб, «Баҳор» ансамбли фаолияти тўхтаб қолди.

– 2019 йилда мустакиллик байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби янги биносини очгани келди, – дейди сухбатдошимиз. – Шу муҳим тадбирда давлатимиз раҳбари «Баҳор» ансамблини тиклаш борасида ҳам гапирдилар. Шу кадар кувондимки... 2020 йилда «Баҳор» ансамблини тиклаш ҳамда Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби негизида давлат ОТМ шаклида Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хорео-

графия академияси ташкил этиш тұғрисидаги мұхим хужжатга имзо чекилди.

Тақдимот маросимида Мукаррама опанинг «Тановар» рақси янги йұналишда сақналаштирилди. Композицияга күра, сато оханглари остида ёш раккоса Ѓұтхон Ҳасанова Мукаррама Турғунбоева тимсолида сақнага чиқиб келади. «Қани «Баҳор», қани менинг қизларим», дея сақнани гир-гир айланиб томошабинларға савол назари билан мурожаат қиласы. Кейин бирдан «Тановар» бошланиб кетади ва ёш раккоса қизлар сақнага кириб келади.

Тақдимотда бу сақна құрниши құпладаб олкишларға сазовор бўлди. Кучли ҳаяжондан үрнидан туриб кетган мухлисларни қўриб ансамбль бадийи раҳбари ҳам, қизларнинг ўзлари ҳам йиглаб юборди. Сақнада, шундай қилиб, битта Мукаррама опа 25 та паривашга айланди. Демак, устоз санъаткор бошлаган ишлар яна давом этади!

Ансамбллар, ракқосалар кўп, лекин «Баҳор»нинг қайтиши чиндан ҳам тарихнинг қайтарилиши бўлди. Ўша куни тақдимотда иштирок этган юртдошларимиз «Баҳор»ни канчалар соғинганига, Президентимиз эса ана шу соғинчни жуда чукур ҳис қилганига гувоҳ бўлди.

– Айни пайтда «Баҳор» ансамблида 30 нафар ёш раккоса ижод қилмоқда. – дейди Зиёда опа. – Қизларнинг санъатга қизиқиши ва меҳнатсеварлиги юкори даражада. 2021 йил 14 декабрь куни бўлиб ўтган тақдимотдан сўнг барчамиз олдимизда жуда катта масъулият турганини ҳис қилдик. Айниқса, қизларимиз Мукаррама Турғунбоева сақналаштирган «Наманган олмаси», «Баёт», «Зор этдинг», «Фарғона рубойиси», «Гулруҳ», «Андижон полкаси», «Йўлларим», «Самарқанд баҳори», «Пилла», «Пахта», «Кўнгил

ган. Мусикаларимизни ҳам чала олмас эди. Айниқса, «Гиря», «Феруз», «Сегоҳ»ларни бирдан ўрганиб бўлмайди-ку... Ҳозирги кунда «Баҳор»да фаолият олиб бораётган шогирдим, маҳоратли доирачи Маъмуржон Мирдадаевдан умидимиз катта.

Йигирма йиллик танаффус ва... янги тақдимот ҳаяжонлари

– Опам Насиба Мадраҳимова билан «Баҳор»нинг концертларига бориб туар эдик, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон Республикаси ҳалқ артисти, «Баҳор» давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари Зиёда Мадраҳимова. – Ўша пайтлари ансамблнинг бадиий раҳбари Мукаррама Турғунбоеванинг санъатга бўлган муҳаббатини кўриб менинг ҳам ниятларим, орзуларим қатъийлашган.

Мукаррама опа Турғунбоева «Баҳор» ансамблига 25 йил раҳбарлик килди.

200 дан ортик рақс сахналаштириди. «Баҳор» дунё кезди. Мукаррама опадан сўнг Кундуз Миркаримова, Равшаной Шарипова, Маъмура Эргашева «Баҳор» ансамблнинг бадиий раҳбари бўлиб фаолият олиб борди. Кейинчалик давр ўзгариб, «Баҳор» ансамбли фаолияти тўхтаб қолди.

– 2019 йилда мустакиллик байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби янги биносини очгани келди, – дейди сухбатдошимиз. – Шу муҳим тадбирда давлатимиз раҳбари «Баҳор» ансамблини тиклаш борасида ҳам гапирдилар. Шу кадар кувондимки... 2020 йилда «Баҳор» ансамблини тиклаш ҳамда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат ОТМ шаклида Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хорсо-

графия академияси ташкил этиш түғрисидаги мухим хужжатга имзо чекилди.

Тақдимот маросимида Мукаррама опанинг «Тановар» рақси янги йўналишда саҳналаштирилди. Композицияга кўра, сато оҳанглари остида ёш раккоса Ёкутхон Ҳасанова Мукаррама Турғунбоева тимсолида саҳнага чиқиб келади. «Кани «Баҳор», қани менинг қизларим», дея саҳнани гир-гир айланиб томошабинларга савол назари билан мурожаат килади. Кейин бирдан «Тановар» бошланиб кетади ва ёш раккоса қизлар саҳнага кириб келади.

Тақдимотда бу саҳна кўриниши кўплаб олқишлиарга сазовор бўлди. Кучли ҳаяжондан ўрнидан туриб кетган мухлисларни кўриб ансамблъ бадиий раҳбари ҳам, қизларнинг ўзлари ҳам йиглаб юборди. Саҳнада, шундай қилиб, битта Мукаррама опа 25 та паривашга айланди. Демак, устоз санъаткор бошлаган ишлар яна давом этади!

Ансамбллар, раккосалар кўп, лекин «Баҳор»нинг қайтиши чиндан ҳам тарихнинг қайтарилиши бўлди. Ўша куни тақдимотда иштирок этган юртдошларимиз «Баҳор»ни қанчалар соғинганига, Президентимиз эса ана шу соғинчни жуда чуқур ҳис қилганига гувоҳ бўлди.

– Айни пайтда «Баҳор» ансамблида 30 нафар ёш раккоса ижод қилмоқда. – дейди Зиёда опа. – Қизларнинг санъатга қизиқиши ва меҳнатсеварлиги юқори даражада. 2021 йил 14 декабрь куни бўлиб ўтган тақдимотдан сўнг барчамиз олдимизда жуда катта масъулият турганини ҳис қилдик. Айниқса, қизларимиз Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган «Наманган олмаси», «Баёт», «Зор этдинг», «Фарғона рунонайси», «Гулруҳ», «Андижон полкаси», «Йўлларим», «Самарқанд баҳори», «Пилла», «Пахта», «Кўнгил

таронаси» каби раксларни қайтадан тиклашга катта қизиқиши билан қарамокда. Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримованинг «Хамса», «Мустаҳзод», «Доира рақси», «Ўзбекистон юлдузлари» каби раксларини ҳам саҳналаштириш режамиз бор. Шунингдек, «Кўча боғи», «Фигонким» каби классик композициялар устида ҳам иш олиб боряпмиз. «Хоразм сюитаси» рақсини саҳналаштириш жараёнига Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёкубовани таклиф қилмоқчимиз.

— Келиним «Баҳор»да ишласагина раккоса бўлишига рухсат бераман. Оиласиман, фарзандим бор, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори, «Баҳор» ансамбли раккосаси Ёқутхон Ҳасанова. — Фарзандли бўлганимдан кейин турмуш ўртоғим ва қайнонам саҳнага қайтишимга рухсат бермади. Жуда сикилиб юрган эдим, бир куни қайнонам, «Президентимиз «Баҳор» ансамблини тиклаш бўйича қарор чиқарибди. Қизим, агар шу ансамблда ишласангиз, мен сизга рухсат бераман, лекин бошқа ансамблга рухсат бермайман», деди. Бу гапни эшитиб, шунчалар хурсанд бўлиб кетдимки... Югуриб юриб ҳужжатларимни топширдим.

Ёқутхоннинг сўзларида жон бор. Шундай одамлар борки, раккосаларнинг бетакрор раксларини мароқ билан томоша қиласди-ю, бироқ ўзининг кизи ракс тўғарагига қатнашига асло рухсат бермайди. Яхшиям Ёқутхоннинг қайнонаси Мукаррама опа мактабидан, санъатдан хабари бор аёллардан.

Аксинча бўлганида Ёқутхоннинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетган бўлармиди...

— Устозимиз Зиёда опа бизга ўз фарзандлари каби муносабатда бўлади, керакли шароитни яратиб беришга ҳаракат киласди, — дейди Ёқутхон. — Яқинда қай-

нонам ёш боламга қараб туриш учун боз борад борад Тожикистонга борди. Мен ансамблдаги тартибнин зомга, меҳр-окибатга қойил қолдим, сидирини жо моянгизга янада ишончим ортди, деди. Мен Сабина Османова, Робия Каримова, Дилбарой Комилжонова, Шукроня Камолхўжаева, Шоҳсанам Турғуннұлатова, Саида Махмудова, Гулираъно Тўҳтасинова кави яко йиб ҳамкасларим билан фаҳрланаман.

Ўзбек миллий ракс санъати музейи ташкил этилади.

— Мукаррама опанинг иш мезонлари жуда тартибли бўлган, — дейди раққоса Гулнора Мусаева. — Шу боис, «Баҳор»нинг қизлари атрофидаги инсонларга хар томонлама ўrnак бўлишга ҳаракат қилган. Ушбу ансамблда ишлайдиган дугоналарим опа тақиқлаганлари учун шим киймас эди. Аммо шунча тақиқларга қарамай, ҳамиша юқори кайфиятда фаолият олиб борганига ўзим ҳам ҳайрон колар эдим.

Ҳозир балетмейстерлар бир кечада янги ракс саҳналаштириши мумкин. Мукаррама Турғунбоева эса бирон мусиқани эшитганидан сўнг анча пайтгача образ излаган. Кейин ракснинг схемасини қофозга чизган. Ўша чизилган расмлар ҳам архивда сакланиб қолган. Гулнора Мусаеванинг таъкидлашича, Мукаррама опа рақсларни кўпроқ рассом Зинаида Куриш билан биргаликда чизган. Ҳар бир детални биргаликда синчиклаб ўрганган. Шу сабабли ўлмас рақслар яратилгандир...

— Ўзим рус бўлсам-да, Мукаррама опа туфайли ўзбек миллатига бошқача меҳр қўйганман, — дейди Гулнора опа. — Ўзбек миллий анъана ва қадриятларини ҳам ансамблга келиб ўргандим. Қайта ташкил этилгани боис, мен яна «Баҳор» ансамблининг халқаро алоқалар бўлимида ишлай бошладим. Шу кунгача ҳамкор-

ликда иш олиб бориш учун Россия, Франция, Бельгия, Португалия, Туркия ва Ҳиндистон давлатларидан таклифлар келиб тушган. Айни пайтда улар билан музокаралар олиб боряпмиз. Мени хурсанд қилгани – ҳозирги кунда ҳам чет элларда ансамблни танишади, ҳурмат қилишади. «Баҳор» ансамбли тақдимотидан сўнг Россиянинг «Берёзка», Грузиянинг «Сухашвили» ансамбллари раҳбарлари ва ижодкорлари бизга табрик йўллади.

* * *

... Устоз санъаткорларимиз ва «Баҳор» қизлари билан хайрлашар эканман, қулогим остида яна Ўзбекистон ҳалқ артисти Бобораҳим Мирзаев ижросидаги «Тановар» янграй бошлади. Бирок энди саҳнада Мукаррама Турғунбоева эмас, янги авлод маликалари хиром айлар эди. Ҳарир рўмолларини юзига парда қилган бу гўзалларнинг қалби ҳам устоз санъаткоримиз ҳамиша талаб қилганидек ибо ва ҳаё номлиғ нурлар билан зийнатланган бўлса, ажаб эмас...

Мухтасар Тожимаматова,
«Янги Ўзбекистон» мухбири

МУНДАРИЖА

Янги Ўзбекистонда маърифий жамият барпо этилмокда	3
Акл инновацияси	15
Инсон феномени	25
Миллатларо тотувлик ва бағрикенглик – демократик жамиятнинг асосий тамойили	36
Давлат истиноди	45
Янгиланаётган маънавият – муваффакиятлар омили	54
Янги Ўзбекистоннинг шиддаткор бугуни ва ёркин эртаси тавсифи	64
Маънавият – миллат халоскори	72
Она симфонияси	82
Янги Ўзбекистон «Бахор»и юртимизнинг «ташриф қозоги»га айлансин!	91

20-соли сүйм

ОҚИЛ САЛИМОВ

АҚЛ ИННОВАЦИЯСИ

Тошкент «Маънавият» 2022

Муҳаррир Зуҳриддин Қудратов

Рассом Шуҳрат Соҳибов

Мусаххих Шарофат Ҳуррамова

Компьютерда тайёрловчи Шуҳрат Соҳибов

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишга 20.10.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/₃₂.

«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоби 5,45. Нашр табоби 5,20. Буюртма № 22-16.

Адади 2000 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккӯча, 2-уй. Шартнома № 38-22.



Manavijat

ISBN 978-9943-04-461-6



9 7 8 9 9 4 3 0 4 4 6 1 6